

Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Стратегик ислоҳотлар
агентлиги

**АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ВА
МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМА
ИЧИМЛИК СУВИ ВА ОҚОВА СУВ
ТАРМОҚЛАРИ, АВТОНОМ
ОҚОВА ВА ҲОЖАТХОНА
ТИЗИМЛАРИ**

Delivery Unit



+998 71 203 03 08



info@asr.gov.uz

m.ajamov@asr.gov.uz

Мундарижа

I.	Кириш.....	3
II.	Жорий ҳолат.....	4
1.	Ичимлик сув манбалари.....	4
2.	Ер ости сувлари сатқининг пасайиши.....	5
3.	Аҳолининг ичимлик сув тизимлари билан қамрови.....	6
4.	Ичимлик суви сифати:.....	7
5.	Аҳолининг оқава сув тизимлари билан қамрови:.....	8
6.	Ичимлик ва оқова сув тармоқлари лойиҳалари ва жалб қилинган хорижий маблағлар:	9
7.	Лойиҳалар тўғрисида жамоатчилик хабардорлиги:	11
9.	Хулоса:.....	11
III.	Мавжуд муаммолар.....	12
1.	Ичимлик сув манбалари: ер ости сувлари	12
1.1.	Эскирган маълумотлар	12
1.2.	Маълумотлар алмашинуви ва координация йўқлиги	13
1.3	Ноқонунй сув олиш	13
1.4	Ер ости сувларининг ифлосланиши	14
1.5.	Назорат ва жавобгарлик	16
2.	Лойиҳалар ва жамоатчилик хабардорлиги	16
2.1.	Халқаро молия институтларининг лойиҳалари.....	16
2.2.	Сув таъминоти тизимини қамраб олиш бўйича маҳалла кесимида тасдиқланган рақамларнинг йўқлиги.....	17
2.3.	Маҳалла даражасида амалга оширилаётган лойиҳалардан хабардорликнинг йўқлиги	18
2.4.	Давлат органлари фаолиятининг етарлича мувофиқлаштирилмагани.....	18
3.	Ичимлик суви сифати.....	19
3.1.	Лабораториялар ҳолати ва сув сифати	19
3.2.	Сув сифати юзасидан маълумотлар очиқлиги	20
3.3.	Ичимлик сувининг стандарти	21
3.4.	Пестицидлар	21
4.	Оқава сув тизимлари, уларни тозалаш ва атроф мұхитга оқизиш.....	22
4.1.	Оқава сув тозалаш иншоотларига юқори ва ноодатий юкламалар	22
4.2.	Мавжуд қонунчиликдаги бўшлиқлар ва юзага келаётган асосий муаммолар.	23
4.3.	Давлат назорат лабораторияларининг моддий базаси етишмовчилиги.....	25

4.4. Назоратда рақамлаштириш түлиқ йўлга қўйилмаганлиги	25
5. Хулоса	26
IV. Таклифлар	27
1. Ер ости сув ресурсларини түлиқ қайта баҳолаш.....	27
2. Маълумотлардан ўзаро эркин фойдаланишни жорий қилиш.....	28
3. Ер ости сув захираларини тиклаш.....	28
4. Сув қудуқларини хатловдан ўтказиш.	28
5. Ягона сув инспекциясини жорий қилиш.	28
6. Ичимлик суви лойиҳаларини шакллантириш, мониторинг ва ер ости сув ресурсларини бошқариш	29
7. Иқлим ўзгаришининг сув ресурсларига комплекс таъсирини баҳолаш.....	30
8. Лойиҳаларда шаффофлик ва ахборот очиқлигини таъминлаш	31
9. Қурилиш ишлари сифати назоратида жамоатчилик иштироки.....	31
10. Қурилиш ишларини мувофиқлаштириш.....	32
11. Лаборатория имкониятларини баҳолаш ва уларни яхшилаш	32
12. Сув сифати назорати механизмларини такомиллаштириш ва маълумотларнинг жамоатчиликка очиқлигини таъминлаш.	33
13. Сув сифати стандартларини мувофиқлаштириш.....	33
14. Оқава сувларни оқизиш соҳасида мавжуд қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этиш ва тартибга солиш.....	34
15. Оқава сувларни чиқазиб юбориш инфраструктурасини қуриш ва эксплуатация қилишда давлат-хусусий шериклик (ДХШ) механизмларини жорий этиш.....	35
16. Ичимлик суви ва канализация лойиҳаларини мувофиқлаштириш	36
17. Оқава сувларни атроф мұхитга ошириш соҳасида ахборот платформаларини интеграция қилиш ва жамоатчилик назоратини жорий этиш.....	37
V. 10 та энг муҳим рақамлар:	37
VII. Ўзбекистонда оқова тармоғи ўрнатилмаган аҳоли пунктлари учун санитария ечимлари	42
1. Умумий ҳолат ва мұаммонинг долзарбилиги	42
а) Анъанавий ҳожатхоналар (ерга қазилган чиқинди чуқурлари)	44
б) Септиклар ва сиздиргичлар (инфилтрация майдончалари)	48
с) Тўпловчи резервуар тизимлар	55
д) Компост ҳожатхоналар	58
е) Биореакторлар (инновацион тизимлар)	63
3. Турли шароитлар учун танлов мезонлари	66

I. Кириш

Ўзбекистонда сифатли ичимлик суви ва самарали канализация тизимларининг кескин етишмовчилиги кузатилмоқда, қишлоқ жойларида ва мамлакатнинг жанубий ҳудудларида бу яққол кўзга ташланади. Бунинг асосий сабаблари – ҳаддан ташқари истеъмол ва иқлим ўзгариши туфайли ер ости сувлари сатҳининг пасайиши, аҳолининг марказлаштирилган сув таъминоти билан кам қамраб олингани, эскирган тозалаш иншоотлари инфратузилмаси, сув сифатини назорат қилишнинг етарли даражада эмаслиги ва турли давлат идоралари ўртасидаги координациянинг заифлиги ҳисобланади.

Сув таъминоти ва канализация лойиҳаларини амалга ошириш қатор муаммоларга дуч келмоқда, жумладан, ташаббусларнинг такрорланиши, молиялаштиришнинг мувофиқлаштирилмаганлиги, шаффофликнинг йўқлиги ва аҳолининг ҳақиқий эҳтиёжлари инобатга олинмаслиги. Бу эса бюджет ва кредит маблағларининг самарасиз сарфланишига олиб келади.

Бундан ташқари, тозаланмаган оқова сувларнинг табиий сув ҳавзаларига ташланиши атроф-муҳитнинг ифлосланишига ва санитария ҳолатининг ёмонлашишига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, аҳолининг сув ресурсларини бошқариш, амалга оширилаётган лойиҳаларни мониторинг қилиш жараёнларига жалб қилинмагани, амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида маълумотлар етишмовчилиги ва ичимлик сувининг сифати юзасидан жамоатчилик назоратининг сустлиги энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади.

Муаммоларнинг яна бир муҳим жиҳати – мавжуд норматив-ҳуқуқий база ва техник регламентларнинг камчиликлариdir. Ичимлик сувининг сифати бўйича стандартлар жаҳон тажрибасига тўлиқ мос келмаслиги, оқова сувларни тозалаш ва уларни атроф-муҳитга оқизиш талабларининг аниқ белгиланмагани, шунингдек, давлат назорати ва жавобгарлик механизmlарининг заифлиги соҳада тартибсизлик ва самарасизликка олиб келмоқда.

Бу камчиликлар сув таъминоти ва канализация тизимларининг барқарор ишлашини таъминлашга тўсқинлик қилмоқда, аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳит учун жиддий хавф туғдирмоқда ҳамда мамлакатнинг сув ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятларини чекламоқда.

Мазкур ҳужжат ушбу муаммолар сабабларини ўрганиш ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар беради.

II. Жорий ҳолат

1. Ичимлик сув манбалари.

Ўзбекистондаги 97 та ер ости сув конлари мавжуд бўлиб, уларнинг умумий ресурси 63,9 миллион куб метрни (кунига) ташкил этади. Ер ости сувлари умумий ресурсларининг 30 фоизи (ичимлик суви сифатида фойдаланишга яроқли ҳисобланади (минераллиги 1 г/л гача). Республикада фойдаланиладиган ичимлик сувининг 67% ер ости сувларига тўғри келиб, суткасига 6.1 млн куб метр ҳажмда ичимлик суви учун олинади, бу кунлик ер остидан сув олиш жамининг 32 фоизини ташкил қиласи (умумий сув олиш ҳажми суткасига 18.6 млн куб метр)1.



Расм 1. Ер ости сувларидан фойдаланиш, млн³/сут

1 Ўзбекистон Республикаси ер ости сувлари ва улардан фойдаланиш бўйича Ахборот бюллетени 47-сон, «Ўзбекгидрогеология» давлат муассасаси

Лекин, мұаммо шундаки, ер ости сув ҳавзалари бир республика ҳудудида бир хил тақсимланмаган, асосан Тошкент вилояти ва Фарғона водийсига түғри келади.



Расм 2. Ичимлик учун фойдаланишда ер ости сувлари улуши

Аҳоли жон бошига нисбатан ичимликка яроқли ер ости сувлари ҳажми 500 литрни ташкил этиб, дунёning ўрта таъминланган давлатлар қаторидан жой олади².

2017-2022-йилларда амалга оширилган сув таъминоти лойиҳаларининг **31 фоизи сув манбаи** сифатининг пастлиги ёки бурғиланган құдуқларда сув оқими етарли эмаслиги сабабли самарасиз деб топилған³.

2. Ер ости сувлари сатқининг пасайиши.

Сўнгги 20 йил ичида республикада ер ости сувларининг сатқи пасайиш тенденцияси кузатилмоқда. Бу жараён ер ости сувлари интенсив равишда олиниши ва иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ.

2 <https://www.ngwa.org/what-is-groundwater/About-groundwater/facts-about-global-groundwater-use>

3 Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси маълумотлари

Масалан, 7 та вилоятнинг 22 та туманида ер ости сувларининг сатҳи 20 метргача пасайган: 13 туманда 5 метргача, 9 туманда эса 20 метргача тушган. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси № ПП-439 қарорига (07.12.2022) мувофиқ, ушбу 22 туманда қудуқлар бурғилаш ва ер ости сувлари ишлатилишига мораторий жорий этилган¹.



Расм 3. Ер ости сув сатҳи пасайиш графиги


Ичимлик суви манбаларининг ҳолати янада оғирлашмоқда, чунки ер ости чучук сув ресурсларининг 35-38% антропоген омиллар таъсирида ичимлик учун яроқсиз ҳолга келган ва бу жараён давом этмоқда⁴.

3. Аҳолининг ичимлик сув тизимлари билан қамрови.

2025 йил боши ҳолатига аҳолини марказлашган ичимлик суви билан қамраб олиш даражаси республикада 80 %ни ташкил қилиб (2017 йил 1 январь ҳолатига 64 фоиз), Тошкент шаҳри (98,2%), Андижон (91,9%) ва Хоразм (91,6%) вилоятларида энг юқори бўлса, Қашқадарё (61%), Сурхондарё (65,3%) вилоятларида энг паст даражада⁵. Умуман олганда, республиканинг жанубий ҳудудларда ҳолат яхши эмас.

4 <https://cyberleninka.ru/article/n/zapasy-podzemnyh-vod-uzbekistana-i-ih-ispolzovanie-na-primere-chirchik-ahangaranskoy-doliny/viewer>

5 “Ўзсувтаъминот” АЖ маълумотлари



Расм 4. Марказлашган ичимлик суви билан қамров

Расмий маълумотларга кўра, Янгийўл туманида аҳолининг 16% и марказий ичимлик суви таъминотига эга эмас, аммо 2023 йилда ўтказилган "Мапатон" тадбири бу кўрсаткич хонадонлар кесимида 24% эканлигини кўрсатди. Бу эса расмий ҳисоб-китобларда **қамровни** аҳоли сонига нисбатан ҳисоблаш ноаниқ натижалар бераётганини кўрсатади. Таъминланганликни ҳаққоний акс эттириш учун уни **хонадонлар кесимида ҳисоблаш зарур**, акс ҳолда инфратузилма ривожланиши ва реал эҳтиёж аниқ баҳоланмайдиб.

Бундан ташқари, аҳоли ўз ҳудудидаги сув қувурларидағи сув сифати паст деб ҳисоблагани сабабли мавжуд сув тармоқларига уланишга қизиқиш билдиrmаяпти. Бу эса сув таъминоти лойиҳаларига киритилган маблағларнинг қайтмаслигига олиб келмоқда.

4. Ичимлик суви сифати:

2023 йил якунига кўра олинган ичимлик суви намуналарнинг 5,5 фоизида бактериологик, 13,8 фоизида эса кимёвий кўрсатгичлари талабга жавоб бермаслиги аниқланган³.

Янгийўл туманида ўтказилган "Мапатон" сўровномаси натижаларига кўра, 46 фоиз уй-хўжаликлари аҳолиси марказлашган

6 <https://www.gazeta.uz/ru/2023/12/14/mapathon/>

ичимлик сувининг сифатидан қониқмасликларини айтишган, шунингдек Санитария қўмитаси томонидан маълумотлари туманинг 55 фоиз маҳалласи сув манбаларидан олинган таҳлилларда (сувни заарсизлантириш босқичига қадар) ичак таёқчаларининг ўрнатилган миқдоридан юқори эканлигини аниқлаган.

Сув истеъмолчилари кенгаши (CCW, Буюк Британия) - 2006 йилдан буён йил давомида Англия ва Уелс ичимлик суви истеъмолчилари ўртасида телефон орқали сўровномалар ўтказади, 2024 йилда 90 фоиздан ортиқ истеъмолчи сув сифатидан қониқиш ҳосил қилиши аниқланган⁷.

5. Аҳолининг оқава сув тизимлари билан қамрови:

Бугунги кунда аҳолининг 20,5 фоизи (7,6 млн киши) оқова сувларини чиқариб юбориш хизмати билан таъминланган бўлиб (2017 йил 1 январь ҳолатига 15 фоиз), таъминланганлик даражаси бўйича энг юқори кўрсаткичлар Тошкент шаҳрида (93,6%), Навоий (25,8%), Тошкент (22,5%) ва Самарқанд (22,1%) вилоятларида қайд этилган. Энг паст кўрсаткичлар эса Қорақалпоғистон Республикаси (5,4%), Сурхондарё (6,3%), шунингдек, Андижон, Наманган ва Қашқадарё вилоятларига (8,4%) тўғри келади⁵.

Республикада 255 та оқова сув тозалаш иншооти мавжуд бўлиб, уларнинг 192 таси (75%) локал, 63 таси (25%) марказлашган иншоотлар ҳисобланади. Уларнинг 37 таси (15%) таъмирталаб ҳолатда. Мавжуд иншоотларнинг лойиҳавий қуввати суткасига 3,6 миллион м³ ни ташкил этади, бироқ амалда кунига ўртача 2,6 миллион м³ оқова сув қабул қилинмоқда⁵.


Оқова сув тармоқларининг умумий узунлиги 9 924 км бўлиб, шундан 1 810 км (18%) таъмирталаб ҳолатда. Энг кўп таъмир талаб

⁷ www.ccw.org.uk/app/uploads/2024/05/Water-Matters-2024.pdf

этиладиган ҳудудлар Хоразм (65,6%), Қашқадарё (46,7%) ва Қорақалпоғистон (45,2%) вилоятлари дир⁵.

6. Ичимлик ва оқова сув тармоқлари лойиҳалари ва жалб қилинган хорижий маблағлар:


“Ўзсувтаъминот” АЖ 2025 йил ҳолатига халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат ташкилотларидан 3,26 млрд доллар қарз маблағларини жалб қилган ҳолда аҳолини ичимлик суви ва оқова хизмати билан таъминлаш ва мавжуд тизимларни реконструкция қилиш ишларини амалга оширмоқда (2024 йил январь ҳолатига 1, 980 млрд). Уларнинг 1 782,3 млн доллари (55 фоиз) маҳаллий бюджетлар, 1 485 млн доллари (45 фоиз) “Ўзсувтаъминот” АЖ томонидан қайтарилиши белгиланган⁵.



Расм 5. ХМИ лойиҳалари

2024 йилда ичимлик суви ва канализация инфратузилмасини ривожлантириш учун республика бюджетидан 1,6 трлн сўм ажратилган. Шу жумладан:


- 918 млрд сўм – 76 та лойиҳа Инвестиция дастури доирасида,
 - 327 млрд сўм – 102 та лойиҳа Вазирлар Маҳкамаси раёсатлари баёни асосида аҳоли пунктларида,
 - 171 млрд сўм – 34 та лойиҳа "Янги Ўзбекистон" массивларида.



Расм 6. Бюджет лойиҳалари тақсимоти

Шунингдек, 2025–2027 йиллар Инвестиция дастурига мувофиқ, шу уч йил давомида ичимлик суви ва канализация тизимини ривожлантириш учун 4,384 трлн сўм ажратилиши режалаштирилган⁸. Шу жумладан:

- 3360 км муҳандислик тармоқлари,
- 215 та янги обьект қурилади.



Расм 7. Бюджет лойиҳалар динамикаси

⁸ <https://www.lex.uz/uz/docs/7278617>

7. Лойиҳалар тўғрисида жамоатчилик хабардорлиги:

Осиё тараққиёт банкининг “Тошкент вилояти шаҳар ва туманларида сув таъминоти ва канализация тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш” лойиҳаси доирасида 2019-йилдан бўён Янгийўл туманида лойиҳанинг қиймати 106 миллион долларлик 2-босқичи амалга оширилмоқда. Лойиҳа техник-иқтисодий асосларига кўра, 34 та маҳалла ичимлик суви таъминоти ва 15 та маҳалла оқава сув тизими билан қамраб олиш тасдиқланди. Шунга қарамай, мапатон давомида маҳалла раисларига қурилиш босқичи бошлангани ҳақида хабар берилмагани маълум бўлди⁶.

8. Саноат оқава сувларини тозалаш ва атроф муҳитга ташлаш:

Республикада йилига тахминан 40,6 млн куб метр оқова сувлар тозаланмасдан атроф-муҳитга ташланади. Жами (12,7 млрд куб метр) оқова сувларнинг 91 % шартли тоза деб таснифланади ва тозалашни талаб қилмайди. Оқова сувларнинг 66 % сув обьектларига, 34 % эса ер юзаси рельефига ташланади⁹.

Шартли тоза оқова сувлар — кимёвий маҳсулотлар билан контактда бўлмаган, одатда совитиш учун фойдаланилган бўлиб, фақат юқори ҳарорат билан тавсифланади.

Ўртача ҳисобда, республикадаги саноат ривожланган шаҳарларида мавжуд корхоналарнинг 53 % тозалаш иншоотларига эга эмас. 15 % корхоналар тозалаш иншоотлари 50 % дан юқори самарадорлик кўрсатгичида билан ишлайди⁹.

9. Хулоса:

Ер ости сувлари ресурсларининг номутаносиб тақсимоти, сув сатҳининг пасайиши ва 35-38% ифлосланиши ичимлик суви манбалари ва тизимининг барқарорлигини хавф остига қўймоқда. Марказлашган ичимлик суви билан қамров 80% га етганига қарамай, ҳисоблаш

9 Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги маълумотлари

усулларидаги аниқсизликлар ва хонадонлар кесимида реал маълумот фарқ қиласи ва инфратузилма ривожланиши нотўғри қарорлар қабул қилинишига олиб келади. Суғориш учун интенсив равишда сув олиниши ва иқлим ўзгаришлари ер ости сувлари сатҳини 20 метргача пасайтирган. Тозалаш иншоотларининг эскирганлиги ва сув сифатини назорат қилиш тизимининг заифлиги ичимлик сувининг 5,5% бактериологик ва 13,8% кимёвий талабларга мос келмаслигига сабаб бўлмоқда. Аҳолининг сифатсиз сув тармоқларига уланишга қизиқиши паст, бу эса соҳадаги лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигига салбий таъсир қилмоқда ва давлатга катта ҳажмда қўшимча қарз юкламасини келтириб чиқариши мумкин. Давлат назорати, норматив-ҳуқуқий база ва лойиҳаларда жамоатчилик иштироки компоненти йўқлиги уларнинг сифат самарадорлигига таъсир қилиб, соҳадаги муаммоларни янада чуқурлаштируммоқда.

III. Мавжуд муаммолар

1. Ичимлик сув манбалари: ер ости сувлари

1.1. Эскирган маълумотлар

Ер ости сувларидан фойдаланишга асосланган ичимлик суви таъминоти лойиҳаларининг техник-иқтисодий асослари (ТИА) кўпинча гидрогеологик тадқиқотлар ўтказилмасдан, тарихий маълумотларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилмоқда. Гидрогеологик тадқиқотларнинг ўтказишнинг нархи тахминан 2,5 миллиард сўмни ташкил этади ва 2-3 йил давомида ўтказилади.

Охирги марта ер ости сувларининг прогноз ресурслари 1995 йилда тасдиқланган. 2022-2027 йилларга мўлжалланган дастурга мувофиқ, 97 та кондан 11 тасида ресурслар қайта баҳоланмоқда¹⁰. Бугунги кунда жаҳон тажрибасида deep learning асосида (масалан, Self-Organizing Map)

10 Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги маълумотлари

замонавий баҳолаш технологиялари ер ости сувларини тезкор баҳолашда кенг қўлланилади.

1.2. Маълумотлар алмашинуви ва координация йўқлиги

Ер ости сув ресурсларни баҳолаш жараёни Экология вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзсувтаъминот” АЖ, Кадастр агентлиги ва бошқа ташкилотлар маълумотларига тўғридан-тўғри кириш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли мураккаблашмоқда.

Масалан, “Ўзгидромет” ўз маълумотларини тўлов асосида тақдим этади. Янги ерларни ўзлаштириш, саноатни ривожлантириш ва аҳоли пунктларини кенгайтириш жараёнида ер ости сувларининг ҳолати ҳисобга олинмайди.

Сув кадастрида ичимлик суви бўйича геофазовий маълумотлари мавжуд эмас. Миллий фазовий маълумотлар инфратузилмаси базасига ичимлик суви бўйича маълумотлар маҳсус ваколатли орган йўқлиги сабабли киритилмайди. Сув кадастрида ичимлик суви бўйича ҳисоб юритилмайди.

1.3 Ноқонуний сув олиш

Рұксатнома ҳужжатларсиз сув олиш ва уни мақсадсиз ишлатиш кенг тарқалган.

2023 йил ҳолатига кўра, мамлакатда 51 мингга яқин қудуқлар аниқланган бўлиб, уларнинг 60% и Рұксатнома ҳужжатларига эга эмас, жумладан, “Ўзсувтаъминот” АЖ ва Сув хўжалиги вазирлигига қарашли 18 минг қудуқ. 608 та гурухли сув иншоотларидан атиги 300 таси расмий рұксатномага эга¹⁰.

2012-2017 йилларда сувдан фойдаланиш бўйича рұксатномалар Экология вазирлиги томонидан берилган (жами 3 мингта), 2018 йилдан бўён Геология вазирлиги томонидан берилмоқда (жами 18 мингта рұксатнома берилган)¹⁰.


Тоза ичимлик суви катта микдорда техник ва сүғориш (кўқаламзорлаштириш) мақсадларида аҳоли, тадбиркорлар ва давлат ташкилотлари томонидан ишлатилмоқда. 2021 йилда Сирдарё вилоятида ўтказилган инвентаризацияга кўра, 33 та авто-ювиш шохобчаси “Ўзсувтаъминот” АЖ билан тузилган шартномага асосан ичимлик суви тармоғидан фойдаланган. Маълумот учун, Сирдарё вилоятида аҳолига сув белгиланган жадвал бўйича етказиб берилади¹⁰.

1.4 Ер ости сувларининг ифлосланиши

Ифлосланган саноат чиқиндилари, радиацион чиқиндилар, ахлат полигонлари, ўғитлар ва пестицидлардан фойдаланиш ер ости сувларининг ифлосланишига олиб келмоқда.

Ўзбекистоннинг радиоактив чиқиндилар билан боғлиқ миллий ҳисботига кўра, уран саноати ифлосланган майдонлари Навоий, Самарқанд, Наманган, Тошкент ва Андижон вилоятларида жойлашган.

Одатда шахталар ва карьеерлар ер ости сувлари билан тўлади. Бу сувлар уран ва оғир металларнинг эриб кетишига сабаб бўлиб, уларни радиоактив ва заҳарли ҳолга келтиради. Вақт ўтиши билан ифлосланган сув юзага чиқиб, дренаж оқимларини ҳосил қиласида ва булар сой ҳамда дарёларга тушиб, заарли моддаларни кенг ҳудудларга тарқатади. Заҳарли элементлар тупроқ ва ер ости сувларда тўпланиб, экология ва инсон саломатлиги учун узоқ муддатли хавф туғдиради. Ифлосланган сув ичимлик ва сүғориш учун ишлатилиши мумкин бўлиб, бу эса доимий мониторинг ва заарли моддалар тарқалишини олдини олиш чораларини талаб қиласида.



Расм 8. Ер ости сувлари минераллашув харитаси

2017 йилда ўтказилган инвентаризация натижасига кўра, қудуқларнинг 9% ташлаб қўйилган, 1% эса эгасиз эканлиги ниқланган. Технологик жараён бузилиб, сифатсиз бурғу қилинган қудуқлар оқибатида сув қатламлари аралашиб кетмоқда, бу эса тоза ер ости сувининг минераллашув даражасини оширади ва уни ичишга яроқсиз қилмоқда⁹.



Расм 9. 2017 йилда ўтказилган инвентаризация натижаси

Масалан, Чиноз туманида 200 метр чуқурлиқда аниқланган ичимлик учун яроқли суви юқори минераллашув туфайли 350 метргача тушиб кетган¹⁰.

Ер ости сувларини сунъий тўлдириш ва тиклаш бўйича амалга оширилаётган ишлар давлат минерал-хом ашё базасини ривожлантириш дастурида 10% дан ошмайди.

1.5. Назорат ва жавобгарлик

Бурғу қилинган құдуқлар эксплуатацияга топширилишидан аввал ҳеч қандай давлат инспекцияси томонидан норматив ва лойиҳа талабларига мувофиқлиги текширилмайды. Буюртмачилар иқтисод қилиш мақсадида каротаж, цементация ишларини олиб бормайдилар ёки нотұғри құвурлардан фойдаланишади.

Бугунги кунда гидрогеология масалалари бүйича бутун республика миқёсида тегишли инспекцияда (Төғ-кон саноати ва геология вазирлиги) атиги 1 нафар штат инспектори мавжуд. 17.02.2022 йилдаги ПП-439 қарорига мувофиқ, ҳар бир ҳудудда (жами 13 та) ҳудудий инспекциялар ташкил этилиши белгиланған¹¹.

Сувдан фойдаланиш қоидаларини бұзғанлик учун жарималар жуда паст – 2 дан 7 БРВ гача, бу эса қоидаларга риоя қилинмаслигига олиб келмоқда. 2023 йилда Төғ-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан Маъмурый кодексга жарималарни ошириш бүйича ўзгартыш киритиш таклифи берилған, лекин у қабул қилинмаган¹².

Құдуқларда ҳисоблагиchlар ўрнатиш жараёни бошланған, аммо сув олиш нүктасидан истеъмолчигача бўлган оралиқда сув сарфи ҳисобга олинмайди.

2. Лойиҳалар ва жамоатчилик хабардорлиги


2.1. Халқаро молия институтларининг лойиҳалари.

Ўзбекистонда ичимлик суви ва канализация лойиҳалари 10 га яқин турли халқаро молиявий институтлар (ХМИ) томонидан молиялаштирилмоқда, бу эса мувофиқлаштиришнинг етишмаслиги, ташаббусларнинг тақрорланиши ва ҳудудларнинг номутаносиб ривожланишига олиб келмоқда. Лойиҳаларни давлатнинг ўзи эмас,

11 <https://lex.uz/docs/6311247>

12 <https://www.lex.uz/acts/97661>, 74 модда

балки ХМИ таклиф қилиши натижасида молиялаштириш, қарз юкининг ошиши ва объектларни эксплуатация қилишда муаммолар юзага келмоқда. Турли хил лойиҳалаш ва молиялаштириш стандартлари инфратузилмани бошқаришни мураккаблаштириб, унинг барқарорлигини пасайтирмоқда.



Расм 10. Халқаро молия институтларидан жалб қилинган маблағлар

Жаҳон тажрибаси, хусусан Қозоғистон, шуни кўрсатадики, сув таъминоти ва канализацияни битта ёки иккита асосий ХМИга (масалан ЖБ ва ОТБ) биритириш ҳамда лойиҳаларни давлатнинг ўзи ташаббус қилишини таъминлаш самаралироқ модел ҳисобланади. Бу молиялаштиришни аниқ режалаштириш, тақрорланишни камайтириш ва лойиҳалаш ҳамда қурилиш учун ягона талабларни жорий этишга имкон беради. Шунингдек, бюджет ва кредит маблағларидан фойдаланишни ажратиш, грант ёрдамини кенгайтириш ҳамда лойиҳаларнинг бажарилишини мониторинг қилиш тизимини жорий этиш мухимдир.

2.2. Сув таъминоти тизимини қамраб олиш бўйича маҳалла кесимида тасдиқланган рақамларнинг йўқлиги.

Ҳозирги кунда ичимлик суви бидлан таъминланганлик даражаси ичимлик суви тармоғи мавжуд бўлган кўч ёки маҳаллаларда яшовчи аҳоли сонини автоматик тарзда ҳисоблаш йўли орқали амалга оширилади.

Аслида эса марказлашган ичимлик суви тармоғи ва биллинг системасига уланган ҳамда сув етиб боргани тасдиқланган үй ҳўжаликлари сони ҳисобини юритиш ва ушбу маълумотларни геоахборот тизимларида (ГИС харита) ёритиб бориш таъминланганлик даражасини ҳаққоний баҳолаш усули ҳисобланади. Бу президентнинг 2023 йил 24 октябрдаги 343 сонли қарорида ҳам кўзда тутилган.

2.3. Маҳалла даражасида амалга оширилаётган лойиҳалардан хабардорликнинг йўқлиги

Янгийўл туманида ўтказилган мапатон натижасида маълум бўлишича, лойиҳада маҳалла ичидағи кўчаларнинг номлари алоҳида маҳалла номлари сифатида кўрсатилган. Бун ўз ўрнида таъминланганликнинг лойиҳада эришилиши кўзда тутилган кўрсатилганидан паст бўлиши эҳтимолини оширади⁶.

Бундан ташқари, кредит шартномаси имзоланиб, лойиҳанинг техник-иктисодий асослари тасдиқланганидан кейин маҳаллалар чегаралари ва топонимик номлари ўзгарган. Халқаро молия институтлари (ХМИ) кредит лойиҳаларини тайёрлаш жараёнида фақат дастлабки босқичда маҳаллий аҳоли билан маслаҳатлашувлар ўтказади. Бироқ, кўп ҳолларда ушбу мулоқотлар фақат кўчириш режасининг мониторинги ва лойиҳаларнинг экологик жиҳатлари билан чекланади.

2.4. Давлат органлари фаолиятининг етарлича мувофиқлаштирилмагани.

Барча молиялаштириш манбалари бўйича лойиҳаларнинг маҳаллалар кесимида ягона ҳисоби йуритилмайди, бу эса мониторинг, назорат ва режалаштиришни қийинлаштиради.

Масалан, "Open Budget" дастури, маҳаллий бюджет маблағлари ёки халқаро молия институтлари ҳисобидан амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари давомида мувофиқлаштиришнинг етарли эмаслиги кузатилмоқда. Натижада ичимлик суви таъминоти ёки канализация тармоқларини реконструкция қилиш режалаштирилган

ҳудудларда аввал автомобиль йўллари таъмирланиб, кейинчалик ularни қазиш зарурати юзага келмоқда.

Бундан ташқари, давлат дастурлари доирасида қурилган обьектлар топширилаётганда ичимлик суви таъминоти бўйича қоидабузарликлар аниқланмоқда. Масалан, қувур ётқизиш технологияларига риоя қилинмаслиги, сувни тозалаш иншоотлари ёки узелларининг йўқлиги каби камчиликлар мавжуд. Шу сабабли, АЖ «Ўзсувтаъминот» бундай обьектларни ўз балансига қабул қилмайди, натижада эса ичимлик суви тизимлари тегишли хизмат кўрсатишсиз қолиб, бу уларнинг тез ишдан чиқишига, ичимлик суви ифлосланишига ёки бутунлай йўқ бўлишига олиб келиши мумкин.

3. Ичимлик суви сифати

3.1. Лабораториялар ҳолати ва сув сифати

Ичимлик сувининг сифати юзасидан таҳлил “Ўзсувтаъминот” АЖ, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳудудий бўлинмалари ва Инспекция томонидан маҳсус лабораторияларида амалга оширилади.

“Ўзсувтаъминот” АЖ маълумотларига кўра унга қарашли мавжуд 63 та лабораториянинг 7 таси (11 фоиз) фойдланишга яроқсиз. Инспекция эса ўзига тегишли бирорта лабораторияга эга эмас⁵.

“Ўзсувтаъминот” АЖ ва “Санэпидқўм” нинг ҳудудлардлаги мавжуд лабораториялари ичимлик сувининг стандарт (ЎзМСт 133:2024) талабларига асосан 48 турдаги кўрсаткичларни тўлиқ таҳлил қилиш ва аниқлаш имкониятига эга эмас.

Масалан, бирорта ҳудудий лабораторияда сув сифатини “Бензол”, “Бенз (а) пирен”, “Полиакриламид”, “Фенол”, ва “Цианид” каби моддалар кесимида таҳлил қилиш имконияти мавжуд эмас³.

“Ўзсувтаъминот” АЖ корхонасига қарашли идоравий лабораториялар (63 та) қисқартирилган ва умумий физик-кимёвий

текширувига жавобгар эканлиги ва ушбу кўрсатгичлар ҳар бир туман кесимида ўтказилиши кераклигини инобатга олсан, туманлар кесимида (208 та) лабораториялар билан таъминланиш даражаси ўта паст (30 фоиздан кам) эканлигини кўриш мумкин.

Инспекция томонидан 2023 йилдап танлов асосида ўрганилган 65 та янги қуриб битказилган иншоотларнинг 58 тасида (89 фоиз) сувни заарсизлантириш ускуналаридан фойдаланмасдан келинаётгани аниқланган³.

3.2. Сув сифати юзасидан маълумотлар очиқлиги

Ичимлик сув таъминоти ва оқава сувларни чиқариб юбориш тўғрисидаги ЎРҚ-784 га мувофиқ истеъмолчилар ичимлик сувининг сифати тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқига эга, аммо ушбу маълумотлар фақат маҳсус сўров асосида тақдим қилиниши мумкин.

Атроф-муҳит сифати бўйича Техас комиссияси (TSEQ, АҚШ) ичимлик суви сифатини стандартларини белгиловчи ва бажарилишини назорат қилувчи давлат оғрани ҳисобланади. Ўз веб платформасида ичимлик суви ва оқава сувга тааллуқли иншоот ва ташкилотлар ҳақида маълумот, ичимлик сувининг сифати лаборатория таҳлил натижаларини очиқланган¹³.

Жаҳон тажрибасига кўра, ичимлик сувининг сифати тўғрисидаги лаборатория таҳлили натижалари аҳолига ичимлик суви етказиб берувчи ва назорат қилувчи ташкилотлар, ҳамда баъзи ташаббускор корхоналар томонидан очиқланган.

Бразилияда соғлиқни сағлаш вазирлиги томонидан ичимлик суви сифатини мониторинг қилиш учун Sisagua (миллий сув ресурслари ахборот ҳизмати) и Vigiagua (сув назорати тизими) очиқ тизимлари йўлга қўйилган. Тизим сув корхоналари, назорат органлари томонидан киритиладиган ҳамда автоматик мониторинг маълумотларини жамлаб

13 <https://www.tceq.texas.gov/drinkingwater>

боради, стандартлар билан таққослади, ҳавф-хатар буйича баҳолаш, автоматик огоҳлантириш ва бошқа функциаларга эга¹⁴.

3.3. Ичимлик сувининг стандарти

Ичимлик сувининг сифати бўйича талабларни белгиловчи “Ичимлик суви. Гигиеник талаблар ва сифатини назорат қилиш” ЎзМСТ 133:2024 давлат стандартига кўра ичимлик суви сифатининг 89 та чегаравий кўрсатгичлари ЖССТ нинг йўриқномаларига кўра тавсия этилаётган баъзи кўрсатгичлардан фарқ килади.

Масалан, умумий микроблар сони 2 баробар, кўрғошин 3, маргимуш 5, бензол 1 000(мақсадли кўрсатгичдан 10 000), бензапирен 10 000, нефт маҳсулотлари эса 100 баробарга ЖССТ тавсия қилаётган чегаравий кўрсатгидан кўпроқ¹⁵.

Магний, кальций, натрий ва калий сингари минералланинг ҳам меъёрий кўрсатгичлари белгилаб қўйилмаган.

EWF (Environment Working Group) очиқ манбалардан ичимлик сувининг сифат кўрсатгичлари юзасидан маълумотларни йиғади ва таққослама маълумотларни аҳолига тақдим қилиб боради¹⁶.

Бундан ташқари, маҳсус вирусологик, бактериологик ва паразитологик текширувлар сони ва даврийлиги аниқ белгилаб қўйилмаганлиги эпидемиологик вазият барқарорлигини йўқотишга олиб келиши мүмкин.

3.4. Пестицидлар

Ичимлик суви таркибидаги пестицидлар ичимлик сув манбаи ва аҳоли сонига қараб камида йилда бир марта, кўпи билан ойда бир марта текширилади. 2024 йил ҳолатига кўра, Ўзбекистонда 1100 дан ортиқ

14 <https://sisagua.saude.gov.br/sisagua/paginaExterna.jsf>

15 https://iris.who.int/bitstream/handle/10665/44584/9789241548151_eng.pdf

16 <https://www.ewg.org/tapwater/ewg-standards.php>

пестицилар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг чегаравий кўрсатгичлари СанҚвАН № 0009-2 га мувофиқ белгиланади. Аммо, бугунги кунда ичимлик суви лабораторик таҳлилларда фақатгина хлорорганик ва фторограник пестицилар кесимида текширилади.

ЖССТ таснифига кўра, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ўта хавфли деб танилган иккита пестицид (Class Ia) ва ўта хавфли деб таснифланган иккита пестицидга (Class Ib) рухсат берилган. Шу билан бирга, тақиқланган пестицилар рўйхатини тузувчи PAN International ташкилоти 278 та кучли заҳарли моддалар эга пестицилар рўйхатини юритади, улардан 58 таси Ўзбекистонда фаол қўлланилади.

2020 йил Қирғизистонда ўтказилган изланишларда она сутининг таркибида 8 турдаги хлорорганик пестицилар (ХОП), альдрин, гептахлор, гексахлорциклогексан (ГХЦ) и дихлордифенилтрихлорэтан (ДДТ) борлиги аниқланган. Она организмига пустацилар асосан сув манбаларидан ўтиши таъкидланган¹⁷.

Бундай оналарнинг фарзданлари туғма нуқсонлар, жигар касалликлари, ривожланиш муаммолари, инфекциялар, сепсис, ўткир яллиғланишли ичак инфекцияси ва бошқа касалликлар билан касалланиши аниқланган.

4. Оқава сув тизимлари, уларни тозалаш ва атроф мұхитта оқизиш

4.1. Оқава сув тозалаш иншоотларига юқори ва ноодатий юкламалар

"Ўзсуvtаъминот" баҳолашларига кўра, канализация тармоқларига келиб тушаётган оқоваларнинг 40%га яқини нормативларига жавоб бермайдиган саноат чиқиндилари ҳиссасига тўғри келади. Ўзига хос кимёвий моддаларнинг юқори миқдори уй-рўзғор чиқиндиларини тозалаш учун мўлжалланган тозалаш иншоотларининг самарадорлигини пасайтиради.

17

https://www.researchgate.net/publication/383472757_Breast_milk_as_a_biological_marker_for_determining_the_pollution_of_the_environment_with_organochlorine_pesticides_in_southern_Kyrgyzstan

Бундай оқоваларнинг сабаби – корхоналарда маҳаллий тозалаш иншоотларининг (МТИ) йўқлиги ёки ишламаслигидир.

2024 йил бошида Тошкентда ўтказилган тадқиқотларга кўра, корхоналарнинг 34%ида МТИ умуман мавжуд эмас, 25%ида эса улар носоз ҳолатда⁹.

Мавжуд канализация тозалаш иншоотлариға келиб тушаётган оқова сувлар канализация тармоқларининг эскирганлиги, шаҳар дренаж каналларидағи сувлар тармоққа тушиши оқибатида кучли даражада суюқ ҳолатда келиб тушмоқда ва бу уларнинг самарадорлигини пасайтиromoқда. Ёмғирли кунларда сув оқимининг кўпайиши натижасида иншоотлар қувватига юклама ошиши натижасида авариявий оқизиб юборишлаш кўп кузатилади.

Салар тозалаш иншоотига келаётган оқава сув БКТ даражаси 40-70 мг/лни ташкил этади⁵. Тозалаш самарадорлигини ошириш учун бу кўрсаткич камида 100 мг/л бўлиши лозим. Шаҳар оқимлари учун БКТ 200-300 мг/л даражаси одатий ҳисобланади⁵.

4.2. Мавжуд қонунчиликдаги бўшлиқлар ва юзага келаётган асосий муаммолар.

2014 йил 21 январдаги 14-сон ВМҚга кўра, ифлослантирувчи моддаларнинг атроф-муҳитга ташланмаларини тартибга солиш сув объектлариға ОЧМ (оқава сувларини чегаравий миқдорини) ўрнатиш орқали амалга оширилади. Аммо, мамлакатда ПДСни ҳисоблаш учун тасдиқланган методика мавжуд эмас.

ОЧМ (оқава сувларини чегаравий миқдорини) – бу, корхона томонидан атроф-муҳитга зарар етказмасдан, маълум вақт давомида сувга ташланиши мумкин бўлган ифлослантирувчи моддаларнинг максимал миқдори бўлиб, мг/соатда ўлчанади.

ВМҚ №14га кўра, ОЧМ ҳисоблаш учун техник жиҳатдан эришилиши мумкин бўлган кўрсаткичлар (ТЭК)дан фойдаланиш тавсия этилган. Бироқ, амалда ТЭК ни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмас. Турли

ТЭКлар бўйича рухсат этилган концентрацияларга нисбатан тартиб-қоидаларнинг амал қилиш муддати 2018 йилда тугаган.

СанПиН РУз №0318-15га мувофиқ, сув қабул қилувчи объектларнинг сув таркиби ва хусусиятларига доир талаблар уларнинг сувдан фойдаланиш турига қараб белгиланади. Бироқ, бугунги кунда сув объектларининг сувдан фойдаланиш турлари бўйича таснифи мавжуд эмас.

Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонунда Экология вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлиги сув объектларининг (ёки уларнинг қисмларининг) сувдан фойдаланишга кўра белгиланган тоифаларга бўлиб, таснифни Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаши лозимлиги таъкидланган.

Таснифнинг йўқлиги оқибатида амалдаги оқова сувларга қўйиладиган норматив талаблар қабул қилувчи сув объектларни умумий ҳолда балиқчилик хўжалиги сифатида кўриб чиқади. Натижада оқава сувларга бўлган норматив талабларнинг юқори белгиланишига олиб келиб, юқори капитал сармояларни талаб қилувчи тозалаш иншоотлари қуриш жорий канализация тарифларида рентабел бўлмай қолади.

Ўзбекистонда биокислород талабчанлиги (БКТ) нормативи 3-6 мг/л. Бундай сифатга эришиш учун анъанавий тозалаш усусларидан ташқари қўшимча тозалаш талаб этилади, бу эса тозалаш нархини 20-30%га оширади. Японияда норматив талаблар юқори бўлганлиги сабабли, давлат тарифларни субсидиялайди.

ОЧМ ҳисоблаш амалда лойиҳалаш босқичи учун мослаштирилмаган ва технология танлашда етарлича эластик эмас. Миллий стандартларда тозалаш иншоотларини қуриш учун тавсия этилган технологияларда энг яхши мавжуд технологиялар (ЭМТ) назарда тутилмаган.

Қозоғистонда ЭМТ принциплари қабул қилинган ва экология кодекси билан қонунлаштирилган. ЭМТни тарғиб қилиш учун маҳсус бюро тузилган, турли соҳалар бўйича 16 та ЭМТ маълумотномаси

тасдиқланган. ЭМТ - атроф-муҳитга салбий таъсирни минималлаштирувчи энг самарали технологияларни жорий этишга йўналтирилган¹⁸.

4.3. Давлат назорат лабораторияларининг моддий базаси етишмовчилиги.

Давлат мониторинги Экология вазирлиги томонидан ифлосланиш манбалари мониторинг дастури доирасида тасдиқланган корхоналар рўйхатига мувофиқ ҳар чорақда ўтказилади.

2025 йил январь ҳолатига кўра, ушбу рўйхатга I ва II тоифага мансуб 243 та корхона киритилган.

Мониторинг 14 та ҳудудий лаборатория ва Тошкент шаҳридаги ихтисослаштирилган аналитик назорат маркази (ИАНМ) да намуналар олиш ва текширув йўли билан амалга оширилади.

Ҳудудий лабораториялар оқова сувларнинг барча 17 турдаги мажбурий кўрсаткичлари (масалан, БТК, ХТК, мис, рух, хром, феноллар) таҳлили учун зарур ускуналар билан тўлиқ таъминланмаган, ва энг ками билан уларнинг ярмида бу таҳлиллар ўтказилмайди⁹.

2014 йил 21 январдаги 11-сон ВМҚга кўра, ҳар бир корхона учун фаолиятига қараб тартибга солиниши лозим бўлган ифлослантирувчилар рўйхати тасдиқланади. Бироқ, барча корхоналар учун 17 та кўрсаткич мажбурий ҳисобланади.

4.4. Назоратда рақамлаштириш тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги

Экология вазирлигига оқова сувлар билан боғлиқ З та алоҳида платформа мавжуд: ташланмалар учун рухсатнома олиш, ташланмаларни мониторинг қилиш ва ноқонуний ташланмалар учун компенсация ҳисоблаш платформалари. Бироқ, улар ўзаро интеграция қилинмаган ва маълумот алмашмайди.

¹⁸ <https://green-bridge.kz/info/spravochniki-po-nailuchshim-dostupnym-tehnikam-ndt/>

Давлат экологик экспертизаси маркази - eco-service.uz , Атроф мұхит мониторингининг ягона геомаълумотлар базаси - gis.uznature.uz , ЭкоФонд платформаси - fund.uznature.uz⁹.

Атроф-мұхитни ГИС мониторингида (gis.uznature.uz) оқова сувларга доир маълумотлар түлиқ ишлаб чиқылмаган: субъектларнинг кадастр маълумотлари йўқ, харита ва координатлар нотўғри, мониторинг кўрсаткичлари йўқ, ва платформа умуман ишламайди.

Шунингдек, 2019 йил 5 сентябрдаги 737-сон ВМҚга мувофиқ корхоналарда автоматлаштирилган мониторинг тизимларини ўрнатиш ва үларни gis.uznature.uz ГИС тизимиға интеграция қилиш назарда тутилган. Бироқ, аниқ кўрсатмалар ва муддатлар белгиланмаганлиги сабабли бу иш амалга оширилмаган.

5. Хулоса

Ўзбекистоннинг сув ресурслари ҳолати эскирган маълумотлар, тарқоқ ахборот ва заиф назорат билан тавсифланади. Ер ости сув захиралари бўйича охирги комплекс баҳолаш 1995-йилда ўтказилган, янги тадқиқотлар эса юқори харажат ва узоқ муддат талаб этгани сабабли мунтазам равишда олиб борилмайди. Давлат идоралари ўртасида маълумотлар эркин алмашинуви ва мувофиқлаштиришнинг йўқлиги муаммони янада кучайтиради: сув кадастрида ичимлик суви ҳақида маълумот йўқ, янги қурилиш лойиҳаларида ер ости сув манбаларининг ҳолати инобатга олинмайди ва идоралараро ахборот алмашинуви фақат расмиятчилик билан чекланади.

Яна бир жиддий муаммо — ноқонуний сув олишнинг оммавий тус олгани. Бурғуланган құдуқларнинг ярмидан кўпи рухсатсиз ишламоқда, жумладан давлат идоларари ҳам, ичимлик суви эса қўпинча мақсадсиз фойдаланилмоқда. Шу билан бирга, сув манбаларининг ифлосланиши хавфли даражага етди: саноат оқова сувларнинг 40 фоизи меъёрларга жавоб бермайди, оқова сувларнинг стандартлари ва чегаравий нормаларни ҳисоблаш қоидаларининг йўқлиги, сувдан фойдаланиш обьектларининг тасниф мавжуд эмаслиги муаммони янада

чукурлаштирумокда. Саноат корхоналари ифлосланган оқова сувларни тегишли назоратсиз атроф мұхитта оқызигда давом этмоқда, чунки амалдаги қонунчилік замонавий мониторинг ва тозалаш усууларини қамраб олмайди.

Бу муаммолар давлат назоратининг сүстлиги ва тартибга солишининг етарлы әмаслиги билан янада оғирлашмоқда. Мамлакатда сув ресурсларидан фойдаланиш секторига атиги битта инспектор жавобгар, жарималар эса аҳамиятсиз бўлиб, сувдан оқилона фойдаланишга рағбатлантирумайди. Қудуқларни ишга туширишдан олдин мажбурий лицензиялаш тизими йўқлиги натижасида назоратсиз бурғулаш кенг тарқалмоқда. Халқаро ва маҳаллий лойиҳаларнинг тарқоқлиги, мувофиқлаштириш механизмининг ноаниқлиги ва аҳолини сув таъминотига улаш бўйича маълумотлардаги камчиликлар сув ресурсларини самарали бошқаришда қўшимча тўсиқлар яратмоқда.

IV. Таклифлар

1. Ер ости сув ресурсларини тўлиқ қайта баҳолаш.

Ўзбекистондаги ер ости сувларининг прогноз қилинган ресурсларини тўлиқ қайта баҳолашдан ўтказиш ва заҳираларини қайта тасдиқлаш лозим. Бунинг учун Давлат заҳиралари қўмитаси кўрсатмаларига тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали ҳар 10 йилда қайтадан баҳолаш ва тасдиқлаш тартибини жорий этиш зарур. Ўзбекистондаги ер ости сувларининг башорат қилинган ресурслари ва тасдиқланган заҳираларини тўлиқ қайта баҳолашни ўтказиш. Тўлиқ қайта баҳолаш ва тасдиқлаш учун зарур бўлган маблағ 250-300 млрд сўмни ташкил қиласи.

Ундан ташқари, ер ости сувлари заҳираларини баҳолаш учун чукур ўрганиш (deep learning) технологиясидан кенг фойдаланишни жорий қилиш, бунинг учун бирор ҳудудда тажриба лойиҳасини ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Бу чоралар республика ҳудудида сувдан фойдаланиш лимитларини аниқлаш, уларни прогноз қилиш, самарасиз лойиҳаларни аниқлашда ёрдам беради.

2. Маълумотлардан ўзаро эркин фойдаланишни жорий қилиш.

Вазирликлар ва давлат идораларинининг ер ости ва усти сув манбаларидан фойдаланишда уларга тегишли маълумотлардан ёки маълумотлар базаларидан ўзаро бепул ва тўсиқларсиз, эркин фойдаланишини тўлиқ таъминлаш зарур, хусусан Waterbase платформасига.

3. Ер ости сув захираларини тиклаш.

Ер ости сув конларини захираларини қайта мақсадида конларни сунъий тўйинтириш ишларини амалга ошириш зарур. Бу бўйича минералхом ашё базасини ривожлантириш давлат дастури доирасида тўйинтириш ишлар амалга оширилиб келинади, лекин бу ишларнинг дастур доирасида улуши жуда пастлигича қолмоқда (10%). Дастур доирасида ер ости сувлари конларини сунъий равишда тўлдириш ва тиклашга қаратилган ишлар учун ажратиладиган маблағларни камида 30 фоизгача ошириш зарур.

қудуқларни қайта инвентаризациядан ўтказиш, инвентаризация натижалари бўйича зарур чораларни кўриш;

4. Сув қудуқларини хатловдан ўтказиш.

Барча қудуқларни қайтадан хатловдан ўтказиш, уларнинг эгаларини аниқлаш, қудуқлар ҳақидаги маълумотларни Waterbase геоахборот тизимиға киритиш зарур. Хатлов натижасида аниқланган қудуқларни таъмирлаш, фойдаланилмаётган ёки дебетини йўқотган очик қудуқларни тампонаж (ёпиш) ишларини амалга ошириш зарур.

5. Ягона сув инспекциясини жорий қилиш.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ягона сув ресурсларидан фойдаланиш назорати инспекциясини ташкил этиш зарур. Ягона сув

ресурсларидан фойдаланиш инспекциясини Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирликларининг мавжуд сув соҳаси инспекциялари бирлаштириш ва ваколатларини сақлаб қолган ҳолда ташкил этиш керак. Сув олиш билан боғлиқ объектларни фойдаланишга топшириш бўйича Давлат комиссияси таркибида Ягона инспекция ҳодимлари киритилиши керак. Ягона инспекция томонидан Ер ости ва усти сув олиш иншоотлари бўйича лойиҳа ҳужжатларини Ягона инспекция томонидан келишилиши, сув олиш иншоотидан фойдаланиш учун рухсат олиш жараёни сув иншоотини текшириш ва иншоотни қабул қилиш далолатномаси орқали расмийлаштириш, ушбу жараённи рақамлаштириш ва текширув далолатномаларини Уатербасе тизимида акс эттириш тартибини дорий қилиш зарур.

6. Ичимлик суви лойиҳаларини шакллантириш, мониторинг ва ер ости сув ресурсларини бошқариш

Ичимлик сув лойиҳаларининг ТИА ларини шакллантиришда ҳудуд гидрогеологиясини тўлиқ ўрганиш ва ер ости сувлари заҳираларини тасдиқлаш (ичимлик сув манбаси сифатида ер ости сувларидан фойдаланган тақдирда) ишларини мажбурий ўтказишни йўлга қўйиш зарур.

Ундан ташқари, 16.07.2018 йилдаги ПҚ 3857га мувофиқ давлат ташқи қарзи ҳисобидан лойиҳаларни амалга ошириш тартибини (шакллантириш ва тасдиқлаш жараёни) рақамлаштириш зарур. (схема в приложении 3);

Молиялаштириш манбаидан қатъий назар амалга оширилаётган ичимлик суви ва оқава сувлари тизимлари билан боғлиқ барча лойиҳаларнинг мониторинг қилишни йўлга қўйиш, бунда ҳар бир лойиҳанинг мақдасларига эришиш самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий қилиш керак. Мониторинг амалга ошириш гуруҳи (комиссия) томонидан йил бошида йиллик режа, йил охирида эса эришилган

натижалар юзасидан ҳисоботни аҳолига тақдим этиб боришни тартиби ўрнатилади. Ҳисоботда қурилган тармоқлар юзасидан маълумотлар маҳаллалар кесимида километр қувурлар ҳисобида акт эттириш зарур . Мазкур грухни Молия ва иқтисодиёт вазирлиги таркибида шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Сувдан фойдаланиш ва сув ресурсларини мухофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун жарима миқдорини кескин ошириш, қасдан ёки такоран бузганлик учун жиноий жавобгарликка тортиш чораларини жорий қилиш зарур.

Минерал-хом ашё базасини ривожлантириш давлат дастури доирасида ер ости сувлари конларини сунъий равишда тўлдириш ва тиклашга қаратилган ишлар улушкини камида 30 фоизгача ошириш керак. Қудуқларни қайта инвентаризациядан ўтказиш, инвентаризация натижалари бўйича зарур чораларни кўриш;

Ер ости сувлари ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш режасини ишлаб чиқиш зарур.

7. Иқлим ўзгаришининг сув ресурсларига комплекс таъсирини баҳолаш

Ўзбекистоннинг ер усти ва ер ости сувларини ўз ичига олган сув ресурсларига иқлим ўзгаришининг таъсирини баҳолаш зарур, бунда узоқ муддатли прогнозлар асосида 2050-йилгача бўлган давр ҳисобга олиниши лозим. Таҳлил илғор гидрологик ва иқлимий моделлаштириш усулларига асосланиши ҳамда қурғоқчил ва ярим қурғоқчил минтақаларда сув экотизимларига иқлимий хавфларни баҳолаш бўйича жаҳон тажрибасини ўз ичига олиши керак. Баҳолаш жараёнида ҳарорат ва ёғингарчилик режимининг ўзгариши, музликларнинг қисқариши, экстремал гидрометеорологик ҳодисаларнинг (қурғоқчилик, тошқинлар) ортиб бориши, шунингдек, иқлим ўзгаришларининг ер ости сувларининг табиий тўлдирилиш жараёнлари ва сифати га таъсири инобатга олиниши лозим. Бундан ташқари, антропоген таъсир, жумладан, сув истеъмолининг ўзгариши, қишлоқ хўжалигининг ривожланиши, сувни тежаш технологияларининг жорий этилиши ва иқлим ўзгариши

шароитида сув ресурсларини барқарор бошқаришга қаратилған мослашув чора-тадбирлари ҳам эътиборга олиниши керак.

8. Лойиҳаларда шаффофлик ва ахборот очиқлигини таъминлаш

Ичимлик суви таъминоти лойиҳаларининг очиқлигини ва жамоатчилик назоратини ошириш мақсадида, амалга оширилаётган ва режалаштирилған ишлар түғрисидаги умумий маълумотларни маҳаллалар кесимида маҳаллий ҳокимликлар веб саҳифаларида, маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб бориш зарур. Маълумотлар лойиҳаларнинг муддати, молиялаштириш манбалари ва амалга ошириш тафсилотларини ўз ичига олиши керак. Шунингдек, дастурларнинг бажарилиш ҳолати бўйича ҳам ҳар чорақда оммавий ахборот воситаларида ахборотлар беришни йўлга қўйиш талаб этилади.

Бундан ташқари, лойиҳа ҳақида асосий маълумотларни ўз ичига олган намунавий ахборот баннерини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, уларни молиялаштириш манбаидан қатъий назар амалга оширилаётган барча лойиҳалар ҳудудларидағи маҳалла фуқаролар йиғини ташқи қисмига жойлаш лозим.

9. Қурилиш ишлари сифати назоратида жамоатчилик иштироки

Ичимлик суви ва оқава тизимлари қурилиш ишларининг самарадорлигини ошириш учун мустақил мониторинг тизимини жорий қилиш зарур. Бунда консалтинг хизматлари бўйича техник топшириқларга жамоатчилик иштирокини барча босқичларда – лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашдан тортиб, обьектларни фойдаланишга топширишгача – мажбурий тартибда киритиш лозим. Аҳолига қурилиш ишларини назорат қилиш учун техник қўлланмалар ишлаб чиқиш, уларни маҳалла аҳолис ўртасида кенг тарғибот қилиш ҳамда мурожат юбориш каналларини шакллантириш зарур.

Пудратчилар ишлаб чиқариш режаларини очиқ ҳолда тақдим этиши, маҳалла аҳолиси эса ичимлик суви ва канализация тизимларини синовдан ўтказишда иштирок этиши шарт. Шунингдек, қурилиш сифати

юзасидан далолатнома маҳалла фаоллари ва маҳаллий ҳокимият вакиллари томонидан ёзма тасдиқланиши механизмини жорий қилиш зарур.

10. Қурилиш ишларини мувофиқлаштириш

Бундан ташқари, барча инфратузилма лойиҳаларининг ягона маълумотлар базасини яратиш зарур. Бу тизим ичимлик суви, канализация, йўллар, иссиқлик таъминоти ва ҳудудларни ободонлаштириш каби соҳалардаги такрорий ва ўзаро мувофиқлаштирилмаган лойиҳаларни олдини олишга ёрдам беради. Қурилиш ишлари устидан мажбурий мустақил техник назоратни йўлга қўйиш эса лойиҳаларнинг сифатини янада ошириш имконини беради. Лойиҳа ҳужжатлари ва тугалланган лойиҳалар бўйича рақамли архивни яратиш орқали ахборотга очик киришни таъминлаш ва жараёнларнинг шаффоғлигини оширишга эришиш мумкин.

11. Лаборатория имкониятларини баҳолаш ва уларни яхшилаш

Аҳоли пунктларини ичимлик ва оқава сувларини текшириш лабораториялари билан қамраб олингандик даражасини аниқлаш, уларнинг мавжуд стандартга мувофиқ кўрсатгичлар кесимида тўлиқ таҳлилини амалга ошириш қобилиятини баҳолаш мақсадида тўлив хатлов ўтказиш зарур. Хатлов натижасида аҳоли пунктларини **100** фоиз қамраб олишга эришиш мақсадида таклиф ишлаб чиқиш ва ҳукуматга киритиш лозим.

Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида лабораторияларнинг (Ўзсуvtаъминот АЖ га қарашли) камида биттасини ичимлик сувининг давлат стандартига асосан 48 та кўрсатгичлар кесимида тўлиқ таҳлилини амалга ошириш ҳисоб китоб ишларини амалга ошишир ва чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, **2025** йил сўнгига қадар бюджетдан ташқари маблағлар ёки грантлар жалб қилган ҳолда тўлиқ таъминлаш зарур.

Ундан ташқари, аҳолиси 50 минг нафардан ортиқ бўлган ҳудудларда ичимлик суви билан таъминоловчи иншоотлар қўрилишида лойиҳаларга зарур таҳлилларни амалга оширувчи лабораториялар билан таъминлашни назарда тутувчи мажбурий тартибни жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Оқава сувларни текширув лабораторияларининг (Экология вазирлигининг ҳудудий лабораториялари) 17 та кўрсатгич бўйича тўлиқ таҳлилдан ўтказиш қобилиятини таъминлаш мақсадида ҳисоб китоб ишларини амалга ошишир ва чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, 2025 йил сўнгига қадар бюджетдан ташқари маблағлар ёки грантлар жалб қилган ҳолда тўлиқ таъминлаш.

12. Сув сифати назорати механизмларини такомиллаштириш ва маълумотларнинг жамоатчиликка очиқлигини таъминлаш.

Ичимлик суви сифатини назоратга олиш меҳанизмларини рақамлаштирилган платформага ўтказиш, аҳолига тушунарли ва очиқ аналитик маълумотларни тақдим қилишни йўлга қўйиш, “Ўзсуvtаъминот” АЖ ва “Санэпидқўм” нинг ичимлик суви сифати юзасидан лаборатория таҳлили протоколларини мутназам равишда маҳсус очиқ платформада, хусусан Waterlab платформасида кўрсатиб бориш тартибини йўлга қўйиш зарур.

Аҳоли учун етказиб берилган сув сифати бўйича маълумотлар уларнинг шахсий кабинетларида кўрсатиб бориш тизимини хам йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

13. Сув сифати стандартларини мувофиқлаштириш.

Ичимлик сувининг давлат стандартини ЖССТ тавсиялари ва ривожланган давлатлар стандартлари билан таққослаб таҳлил қилиш, пестициidlар ва СПАВ бўйича текширувларни маҳаллий шароитлардан келиб чиқсан ҳолда такомиллаштириш ва стандартларга киритиш зарур. Ундан ташқари барча сув иншоотларида заарарсизлантириш

ускуналарининг мавжудлигини баҳолаш ва уларни тўлиқ таъминлаш лозим.

14. Оқава сувларни оқизиш соҳасида мавжуд қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этиш ва тартибга солиш.

а) Экология вазирлиги томонидан оқова сувларнинг чегаравий миқдорини ОЧМ ҳисоблаш методикасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Шу билан бирга, ҳисоблаш тавсияларидан ТЭК (техник эришиладиган кўрсатгичлар)ни ҳисобга олиш тартибини бекор қилиш. Тасдиқланган методика асосида онлайн ОЧМни автоматик равишда ҳисоблаш имконини берувчи платформа ишлаб чиқиш.

б) Сув обьектларини тўлиқ ёки сегментларга ажратилган ҳолда фойдаланиш мақсадига кўра тоифаларга бўлиш ва уларнинг таснифини Вазирлар Маҳкамасида расман тасдиқлаш.

в) Атроф муҳитга оқизиладиган оқова сувлар учун нормативларни (оқова сувлар стандарти) қабул қилувчи сув обьектларининг тоифасига кўра ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

г) “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида”ги қонунда ёки алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан марказий канализация тармоғига оқизилиши тақиқланган корхоналар рўйхатини аниқ белгилаш. Бу рўйхатга саноат, ишлаб чиқариш корхоналари, тиббиёт ва бошқа муассасаларни киритиш. Локал тозалаш иншоотларида бирламчи тозалаш амалга оширилмасдан туриб, марказий канализация тармоғига оқизишни тақиқлаш ва мазкур обьектларда локал тозалаш иншооти мавжуд бўлиши шартлигини белгилаш.

Шунингдек, соҳавий корхоналар (масалан, бўёқ ишлаб чиқарувчи заводлар ёки тери ишовчи корхоналар)ни шаҳар ташқарисига кўчириш, уларни бир-бирига яқин ҳудудларда жойлаштириш ва улар учун ягона локал тозалаш иншоотини қуриш. Ушбу иншоотда юқори даражада ифлосланган оқова сувларни бирламчи тозалашдан ўтказиб, тегишли тоифаланган сув обьекти ёки унинг сегментига чиқариш механизmlарини жорий этиш.

д) Экология тўғрисидаги қонунчиликка BAT (Best Available Techniques – энг самарали мавжуд технологиялар) принципини киритиш ва уни амалга ошириш механизмларини жорий этиш.

ж) Экология жамғармасига ажратиладиган компенсация үлүшини ошириш, шунингдек, атроф-муҳитни ифлослантириш ва чиқиндиларни жойлаштириш учун ундириладиган компенсация тўловларининг оқова сувдан келиб чиқадиган қисмини фақат атроф-муҳитга йўналтирилган, оқова сув таъсири натижасида келиб чиқсан заарларни бартараф этишга йўналтириш.

з) Оқова сувларни марказий канализация тармоғига чиқариш нуқталарида маҳсус датчик мосламаларини ўрнатиш, улар орқали оқизилаётган сувнинг сифати, ҳажми ва ифлосланиш даражасини мунтазам назорат қилиш. Қоидабузарларни аниқлаш ва белгиланган тартибда жазолаш ёки канализация тармоғидан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш бўйича чоралар кўриш.

15. Оқава сувларни чиқазиб юбориш инфраструктурасини қуриш ва эксплуатация қилишда давлат-хусусий шериклик (ДХШ) механизмларини жорий этиш.

Канализация инфратузилмасини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилишни хусусий секторга ДХШ асосида таклиф этиш лозим. Бунда, хусусий сектор соҳага инвестиция киритишни таъминлайди, давлат киритилган инвестицияларни қайтаришни кафолатлайди ёки узоқ муддатли контрактлар орқали хизматларни кафолатли харид қилишни таъминлайди.

Бунинг учун тариф сиёсатини шакллантириш зарур бўлиб, канализация тармоғидан фойдаланиш тарифлари ДХШ шартномаларида белгилаб қўйилади. Тарифлар шаффоф ва иқтисодий асосланган бўлиши керак. Тўғри тариф сиёсатини белгилаш сув ва канализация соҳасида ДХШни самарали жорий қилишнинг энг мураккаб жиҳати ҳисобланади. Лойиҳаларининг барқарорлигини таъминлаш ва эҳтимолий молиявий

зарарларни қоплаш механизмини жорий этмасдан, ДХШга жалб қилиш имконсиз.

Бунда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жумладан ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳоли қатламларининг манфаатларини ҳисобга олиш ҳам жуда муҳим.

ДХШ асосида канализация инфратузилмасини қуриш ва ишлатишга инвестиция киритган инвесторларни шартнома муддатига ёки камида 30 йилга баъзи солиқлардан (масалан ер ва мулк солиқлари) имтиёз бериш чораларини кўриш муҳим ҳисобланиб, ДХШ жозибадорлигини оширишга ҳизмат қиласди.

16. Ичимлик суви ва канализация лойиҳаларини мувофиқлаштириш

Ўзбекистонда ичимлик суви ва канализация лойиҳаларини самарали бошқариш учун давлатнинг ўзи лойиҳаларни шакллантириб, молиялаштириш манбаларини аниқ белгилаши лозим. Бунинг учун, аввало, сув таъминоти ва канализация бўйича ягона миллий стратегия ишлаб чиқилиб, унда қайси лойиҳалар давлат бюджети ҳисобидан, қайсилари эса ХМИ кредит ва грант маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши аниқ кўрсатилиши керак.

Бундан ташқари, ХМИ лар ўртасида соҳани бўлиб бериш амалиётини жорий этиш, яъни ҳар бир асосий йўналиш (ичимлик суви, оқова сув тозалаш ва бошқалар) бўйича битта ёки иккита йирик ХМИни масъул этиб белгилаш лозим. Шунингдек, барча молиялаштирилаётган лойиҳалар ягона техник ва лойиҳалаш стандартларига мослаштирилиши, ҳамда мустақил мониторинг тизими орқали уларнинг бажарилиши назорат қилиниши керак. Бу чора-тадбирлар лойиҳаларнинг уйғунлигини ошириш, молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш ва инфратузилмани узоқ муддатга барқарор ривожлантириш имконини беради.

17. Оқава сувларни атроф мұхитта ошириш соҳасида ахборот платформаларини интеграция қилиш ва жамоатчилик назоратини жорий этиш

Экология вазирлигига қарашли eco-service.uz, gis.uznature.uz ва fund.uznature.uz үзаро интеграция қилиш, gis.uznature.uz платформасининг кўрсатиб ўтилган хатоликларини тўлиқ бартараф этган ҳолда ишга тушириш, жамоатчилик назорати меҳанизмини платформада жорий қилиш, платформани жамоатчилик учун очиқ маълумотлар базасига айлантириш зарур.

Жамоатчилик назорати механизми сифатида аҳоли томонидан оқава сувларини қабул қилиб олувчи сув объектларини визуал мониторингинини амалга оширган ҳолда, индикаторлар (ранг ва ҳидига қараб) асосида баҳолаш ва мурожаат юбориш тартибини жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун аҳолига маҳсус йўриқнома ишлаб чиқиш, мурожаат каналларини кўрсатган ҳотхлда аҳоли ўртасида кенг тарғибот ишларини амалга ошириш зарур.

V. 10 та энг мұхим рақамлар:

7.1. 67% – Ичимлик сувининг 67% ер ости сувларидан олинади: Ўзбекистон ичимлик сувининг 67% ер ости манбаларидан олинади. Бу сув таъминот тизимининг ер ости захираларига юқори боғлиқлигини кўрсатади. Аммо гидрогеологик шароитларнинг ёмонлашиши (сув сатҳининг пасайиши, ифлосланиш) ушбу ресурснинг барқарорлигига хавф солмоқда. Шу сабабли, захираларни асрash ва тўлдириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши зарур.

7.2. 20м – ер ости сувлари сатҳининг пасайиши (22 туман): Сўнгги 20 йил ичидаги 13 туманда ер ости сувлари сатҳи 5 метрга, 9 туманда эса 20 метргача пасайган ва сувга қудук бурғулашга мораторий киритилган. Бу интенсив сув олиш ва иқлим ўзгариши оқибатида рўй бермоқда. Агар бу жараён тўхтатилмаса, сув таъминотида жиддий муаммолар юзага келади, шунинг учун ер ости сувларини мұхофаза қилиш ва сунъий тўлдириш бўйича чоралар кўриш зарур.

7.3. 16% – 8 йилда канализация билан таъминланганлик 16 %га ўсган: 2017 йилда аҳолининг 64% и марказлашган ичимлик суви билан таъминланган бўлса, **2025 йилда бу кўрсаткич 80%** га етди. Аммо ҳудудлар ўртасидаги фарқ сақланиб қолмоқда: масалан, Тошкент шаҳрида қамров 98,2% га етган бўлса, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида у мос равишда 61% ва 65,3% ни ташкил этмоқда. Бу жанубий ҳудудларда ва қишлоқ жойларда инфратузилмани ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар талаб этилишини кўрсатади.

7.4. 8% – таъминланганлик ҳақида расмий ва актуал маълумотлар фарқи 8%, хонадонлар кесимида қамроқ пастроқ: расмий маълумотларга кўра, Янгиюл туманида аҳолининг 16% и марказий ичимлик суви таъминотига эга эмас, аммо 2023 йилда ўтказилган "Мапатон" тадбири бу кўрсаткич хонадонлар кесимида 24% эканлигини кўрсатди. Бу эса расмий ҳисоб-китобларда қамровни аҳоли сонига нисбатан ҳисоблаш ноаниқ натижалар берадётганини кўрсатади. Таъминланганликни ҳаққоний акс этириш учун уни хонадонлар кесимида ҳисоблаш зарур, акс ҳолда инфратузилма ривожланиши ва реал эҳтиёж аниқ баҳоланмайди. Шу сабабли, келгуси стратегияларда аҳоли сони эмас, балки реал хонадонлар қамрови ҳисобга олиниши керак.

7.5. 5.5% – 8 йилда канализация билан таъминланганлик 5.5 %га ўсган. 2017 йилда аҳолининг атиги 15% и канализация тизими билан таъминланган бўлса, **2025 йилга келиб бу кўрсаткич 20,5%** га етди. Шунга қарамай, ҳудудлар бўйича катта тафовут сақланиб қолмоқда: Тошкентда қамров 93,6% ни ташкил этса, Қорақалпоғистонда атиги 5,4% ни ташкил қиласди. Бу ҳудудларда санитария ҳолатини яхшилаш учун канализация тизимларини кенгайтириш ва янги иншоотлар қуриш зарурлигини кўрсатади.

7.6. 31% – ишлатилмаётган ичимлик суви таъминоти тизимларининг қуввати: Республикадаги ичимлик суви таъминоти тизимларининг умумий лойиҳавий қуввати 14,2 млн м³/сутка, лекин

инфратузилманинг эскирганлиги ва техник хизмат кўрсатишдаги муаммолар сабабли аслида 9,7 млн м³/сутка сув етказиб бериляпти. Бу тизим самарадорлигини ошириш учун таъмирлаш ва модернизация қилиш зарурлигини кўрсатади.

7.7. 40,6 млн м³ – бир йилда 40,6 млн куб метр тозаланмаган оқова сув: Йилига атроф-муҳитга тахминан 40,6 млн куб метр тозаланмаган оқова сув чиқиши кузатилмоқда. Бу ҳажмдаги оқова сувлар дарёлар, қўллар ва экотизимларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Тозалаш иншоотларини кучайтириш ва самарали технологияларни жорий этиш зарур.

7.8. 3,26 млрд \$ – Ичимлик сув ва канализацияни яхшилаш учун жалб қилинган ташқи кредит маблағлари: Ичимлик суви ва канализация тизимини модернизация қилиш учун 2024 йил ҳолатига 1,98 млрд \$ миқдорида халқаро кредитлар жалб қилинган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткич 3,26 млрд \$ га етди, яъни бир йил ичида 65% га ўсди. Бу маблағларнинг 55% маҳаллий бюджетлардан, 45% эса “Ўзсувтаъминот” АЖ томонидан қайтарилиши белгиланган. Кредит маблағларининг сезиларли ўсиши сув таъминоти ва канализация тизими инфратузилмасини яхшилаш учун катта имконият яратса-да, уларни самарали сарфлаш масаласи очиқ қолмоқда. Агар маблағлар нотўғри йўналтирилса ёки лойиҳалар самарасиз бажарилса, кредитлар юки бюджетга қўшимча босим беради. Шунинг учун жалб қилинган маблағлар сарфи ва лойиҳалар натижадорлигини қатъий мониторинг қилиш ҳамда ҳар бир йўналтирилган доллар реал ўзгаришларни таъминлаши керак. Хусусан, йирик халқаро кредитларни жалб қилишни инфратузилмани узоқ муддатли ва барқарор ривожлантириш стратегияси билан мувофиқлаштириш зарур.

7.9. 30,6 минг – рухсатномасиз қудуқ (60% ноқонуний фаолият юритмоқда) мавжуд: Мамлакатда 51 мингга яқин қудуқ мавжуд бўлиб, уларнинг 60% и ҳеч қандай рухсатнома ҳужжатларисиз фаолият юритмоқда. Бу ер ости сувларининг чексиз эксплуатация қилинишига, сув сатҳининг пасайишига ва атроф-муҳитнинг ифлосланишига олиб келади.

Бу муаммони ҳал қилиш учун құдуқларни расмий хатловдан үтказиш ва қатъий мониторинг тизимини жорий қилиш керак.

7.10. 31% – лойиҳалар самарасиз деб топилган (2017–2022): 2017–2022 йилларда амалга оширилган ичимлик суви таъминоти лойиҳаларининг 31% сув манбаларининг паст сифати ёки етарли сув оқими мавжуд эмаслиги сабабли самарасиз деб топилган. Бу лойиҳаларни шакллантиришда ва амалга оширишда қатъий техник стандартларни жорий қилиш ва назоратни кучайтириш зарурлигини күрсатади.

VI. Зудлик билан амалга оширилиши зарур бўлган 5 та энг муҳим қадам:

1. Ер ости сув ресурсларининг прогнозланган заҳираларини қайта баҳолаш ва мунтазам янгилаб боришни жорий қилиш зарур:

Кейинги икки йил давомида гидрекеологик тадқиқотлар ва замонавий усуллар (deep learning, сунъий йўлдош мониторинги, геофизик тадқиқотлар) асосида ер ости сув ресурсларини тўлиқ қайта баҳолашни амалга ошириш. Маълумотларни ҳар 10 йилда янгилашни мажбурий этиб белгилаш.

2. Ичимлик суви билан таъминланганликни аҳоли сонига қараб эмас, балки хонадонлар кесимида ҳисоблаш тизимиға ўтиш лозим:

Ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини аниқ баҳолаш учун янги ҳисоб-китоб тизимини жорий этиш. Бу тизим ГИС-платформа ва биллинг маълумотларидан фойдаланган ҳолда шакллантирилиша зарур.

3. Сув таъминоти ва канализация лойиҳаларини ягона тизимда режалаштириш ва молиялаштиришга ўтиш: Ҳамма манбалар (давлат, ҳалқаро, маҳаллий) бўйича ягона лойиҳаларни шакллантириш ва бошқариш тизимини жорий этиш, аввало лойиҳалар рўйхати аниқланади, кейин молиялаштириш манбаи биритирилади. Лойиҳалар такрорланишининг олдини олиб, маҳалла кесимида ягона ҳисобни юритади.

4. Оқова сувлар ва сув объектларидан фойдаланиш бүйича қонунчилиқдаги бўшлиқларни бартараф этиш зарур, яъни:

Саноат ва майший оқова сувлар учун миллий стандартларни ишлаб чиқиш ва халқаро талабларга мослаштириш; Сув объектларини фойдаланиш турига қараб тоифалаш ва тасдиқлаш; Сувга ташланадиган чиқиндилар учун чегаравий миқдорни аниқ ҳисоблаш методикасини тасдиқлаш; Экология қонунчилигига энг яхши мавжуд технологиялар (НДТ) принципларини жорий қилиш.

5. Жамоатчиликни сув таъминоти лойиҳаларини назорат қилишга жалб этиш зарур:

Лойиҳалар ҳақидаги маълумотларни очик платформа орқали тақдим этиш, яъни лойиҳа паспортларини (смета, муддатлар, пурратчилар) маҳалла бинолари яқинига жойлаш, маҳаллий ҳокимлик веб саҳифаларида ёритиб бориш; Сув таъминоти ва канализация тизимлари қурилиши ва реконструкцияси жараёнида маҳаллий аҳоли томонидан назорат механизмини жорий қилиш, яъни қурилиш сифати назорати бўйича қўлланмалар ишлаб чиқиш ва мурожаат каналларини ташкил қилиш даркор.

VII. Ўзбекистонда оқова тармоғи ўрнатилмаган аҳоли пунктлари учун санитария ечимлари

1. Умумий ҳолат ва муаммонинг долзарбилиги

Ўзбекистонда аҳолининг катта қисми марказлашган оқова тизими билан қамраб олинмаган. 2025 йил ҳолатига кўра, мамлакат аҳолисининг тахминан 20.5% қисми марказий оқова тизимларига уланган, қолган қисми эса маҳаллий (автоном) санитария ечимларидан фойдаланишга мажбур. Оқова тизимларининг йўқлиги аҳоли саломатлиги учун жиддий санитария-эпидемиологик хавфлар туғдиради. Ҳожатхоналар ва чиқинди сувлари назоратсиз тарзда атроф-муҳитга тушганда, ер ости сувлари, тупроқ ва очиқ сув ҳавзалари ифлосланади. Нотоғри уюштирилган чиқинди чуқурлари ва оқова сувлари оқизилган чуқурларнинг атрофига касаллик қўзғатувчи микроорганизмлар тўпланиб, улар ҳашаротлар ва ер остиорқали аҳоли орасида турли хил касалликлар тарқалишига сабаб бўлиши мумкин, хусусан ичак инфекциялари билан боғлиқ касалликлар авж олиши хавфини оширади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) баҳолаш индикаторларига кўра, хавфсиз санитария-гигиеник шароити йўқлиги диарея ва паразитар касалликлар каби патогенларнинг юқишига сабаб бўлиб, бу эса ўз навбатида, ҳар йили дунё бўйича ўн минглаб болалар ўлими ва үларнинг ўқиш билан боғлиқ кўрсаткичлари пасайишига олиб келади. Оқова тизимларининг йўқлиги фақат қулайлик масаласи бўлиб қолмай, балки аҳоли саломатлиги учун хавфли таҳдид ҳисобланади. Оқова тизимларисиз шароитда чиқиндиларни назоратсиз чиқариб ташлаш атроф-муҳитга ҳам зиён етказади. Нажас чиқиндилар (фекал чиқиндилар) таркибида кўп микдорда органик моддалар ва озуқа элементлари (азот, фосфор) бўлиб, улар тозаланмасдан тупроқقا ёки сув ҳавзаларига тушса, сув ўсимликларининг ҳаддан ташқари ўсишига (этрофикацияга) олиб келади, ичимлик суви сифати ёмонлашади ва сув экотизимлари зарар кўради. Бундан ташқари, чиқиндиларнинг ҳавосиз шароитда чиришида метан ва сероводород каби газлар ажralиб чиқади – бу газлар ёқимсиз ҳид тарқатади ва ёпиқ жойларда портлаш хавфи

туғдириши мүмкін. Санитар шароитларнинг талабга жавоб бермаслиги энг аввало қишлоқ жойларида ва марказлашган оқоси йўқ шаҳарчаларга хавф туғдиради. Кўпинча ҳовлиларда қазилган анъанавий чиқинди чуқурлари нотўғри қурилган бўлади. Масалан, чуқур тўлганда унинг ичидаги кир сув ҳовли ёки кўчанинг юзасига тошиб чиқиши мүмкін, бу эса чивин ва каламуш каби ҳашарот ва кемирувчиларни ўзига жалб этиб, инфекция тарқаладиган антисанитария ўчоини ҳосил қиласи.

Шунингдек, чиқинди сувлари яқин атрофдагисув қудуқларига сингиб, уларни нитратлар ва заарли бактериялар билан заарлаши мүмкін. Бу муаммолар маҳаллий шароитларга мослашган ва аҳолига тушунарли бўлган хавфсиз ва самарали автоном санитария ечимларини жорий этиш зарурлигини кўрсатади.



Расм 11. Кенг тарқалган ҳожатхона чуқури

2. Тизим турлари

Автоном оқова тармоғисиз санитария учун бир нечта турдаги тизимлар мавжуд, хусусанбирор хонадон ёки маҳаллада қандай турдаги тизимни танлаш бир нечта омилларга боғлиқ — жумладан, сув таъминоти мавжудлиги, тупроқ тури, ер ости сувлари сатҳи, қурилиш зичлиги ва молиявий имкониятлар.

Қуйида асосий тизим турлари ва уларнинг ишлаш принципи, афзаллик ва камчиликлари, ҳамда уларни танлаш, лойиҳалаш ва эксплуатация мезонлари баён қилинади.

а) Анъанавий ҳожатхоналар (ерга қазилган чиқинди чуқурлари)

Тизим тавсифи:

Бу энг содда автоном санитария тизими бўлиб, ерга 2–3 метр чамаси чуқурликда шахтасимон чуқур қазилади. Устидан эса оддий ҳожатхона қурилади (масалан, пол қисми туйнукча ёки унитаз ўрнатилган кичик уйча). Чуқурнинг деворлари одатда очиқ (фильтрловчи) қолдирилади, шу орқали суюқ қисм ерга сингиб кетади ва ҳажмни камайтиради. Қаттиқ фракциялар ва қоғозлар эса чуқур тубида тўпланиб боради.

Анъанавий ҳожатхоналар икки хил бўлиши мумкин:

1. қуруқ (*сув қуиб юбормайдиган*) чуқур ҳожатхона
2. “нам” (*сув билан чайиладиган*) ҳожатхона.

Биринчисида сувсиз фойдаланилади, иккинчисида эса унитаз ёки маҳсус идиш орқали сув қуиб чиқиндиларни чуқурга оқизилади.



Расм 12. “Қуруқ” (сув билан чайилмайдиган) чүкүр ҳожатхона



Расм 13.“Нам” (сув билан чайиладиган) ҳожатхона.

Ишлаш принципи:

Қуруқ чүкүрда чиқиндилар ҳаво билан қисман контактда бўлиб, уларнинг бир қисми аэроб бактериялар (эркин кислород бўлган мұхитда яшайдиган ва ривожланадиган организмлар) таъсирида парчаланади. Аэроб мұхитда парчаланиш патогенларнинг (касаллик қўзғатувчиларнинг) тезроқ нобуд бўлишига ёрдам беради. Сув қўшиб юбориладиган (нам) чүкүрда эса, аксинча, чиқинди массаси суюқлик остида қолади ва анаэроб(кислородсиз) мұхитда чирийди.

Анаэроб чириш чиқиндилар ҳажмини камайтиришда самаралироқ (органик моддаларнинг биокимёвий талабчанлигини пасайтиради), аммо аэроб жараёнлар патогенларни беҳатар йўқ қиласи. Ҳар икки ҳолатда ҳам вентиляция жуда мұхим: замонавий яхшиланган VIP (Ventilated Improved Pit) ҳожатхоналарида чүкүрдан чиқадиган газлар учун вертикал қубур ва чивинларнинг ичига киришини тўсувчи майда тўр ўрнатилади. Бу ҳид ва ҳашаротлар муаммосини кескин камайтиради.

Афзаликлари:

- Тузилиши жуда оддий ва қурилиши арzon.
- Сув ва электр таъминотини талаб этмайди.
- Маҳаллий материаллар билан ва катта муҳандислик билимисиз барпо этиш мумкин.

Камчиликлари:

- Вентиляция бўлмаса ёки етарли эмас бўлса, ёқимсиз ҳид, пашша кўпайиши ва касаллик тарқалиши муаммолари бўлади;
- Чиқинди суюқлиги тупроққа сингганлиги сабабли ер ости сувларини ифлослантириш хавфи бор;
- Чуқур тўлганда уни тозалаш ёки янги жойга янги чуқур қазиб кўчириш талаб этилади, зич қурилган ҳовлиларда бу муаммоли;
- Ер ости суви сатҳи баланд жойларда ёки тошлоқ қатламларда оддий чуқурдан фойдаланиб бўлмайди (герметизация қилинмаган ҳолда);

Тизимни танлаш мезонлари: Анъанавий чуқур ҳожатхоналар сувсиз ёки кам сувли шароитларда ҳам амал қилади, шунинг учун сув тармоғи йўқ қишлоқ ҳудудлари учун мос танловдир. Агар ҳовли ёки участка кенг бўлса ва чуқурни бошқа жойга кўчириш имконияти бўлса, шу билан бирга ер ости сувлари чуқур жойлашган (камида 2–3 м ва ундан кўпроқ) бўлса, бундай оддий ҳожатхонадан қўлланиш мумкин.

Оз сонли одам фойдаланадиган кичик хонадонлар ва иқтисодий имконияти чекланган оиласлар учун ҳам бу энг оптималь ечим ҳисобланади. Лекин аҳоли зич жойлашган маҳаллаларда, шунингдек, ичимлик суви манбалари яқин жойлашган ҳудудларда бу тизим тавсия этилмайди.

Лойиҳалаш ва қуриш мезонлари: Чуқур ҳожатхонани лойиҳалашда унинг ҳажми ва ўлчамларини тўғри танлаш керак. Одатда чуқур диаметри (ёки томонлари) 1–1,5 м, чуқурлиги тахминан 2,5–3 м қилинади. Ҳажмни фойдаланувчилар сонига ва хизмат қилиш муддатига қараб ҳисоблаш мумкин. Масалан, сувсиз қуруқ ҳожатхона учун бир

киши йилига 40–60 литр атрофида чиқинди қолдиги ҳосил қиласы деб олинади. Агар ҳожатхонага сув қўшиладиган бўлса (унитазни ювиш учун), бу кўрсаткич ўртача 90 литр/киши·йилгача ортиши мумкин. Шу асосда, 5 киши яшайдиган оила 5 йил давомида таҳминан 1,5–2 м³ чиқинди тўплаши мумкин, демак 3 метр чуқурликда ва 1 метр диаметридаги чуқур 7–10 йил хизмат қилиши мумкин. Чуқурнинг энг юқори 0,5 метри тўлдирилмай қолдирилади (ҳаддан ташқари тўлдирмаслик учун). Чуқурни 3 метрдан ҳам чуқурроқ қазиш тавсия этилмайди, чунки 3 м дан пастда ҳаво етиб бориши қийинлашади ва чуқур ичида парчаланиш секинлашади; бундан ташқари, жуда чуқур ковланган чуқурни тозалаш ҳам хавфли ва қийин.

Шу сабабли, катта ҳажм керак бўлганда чуқурликни оширишдан кўра диаметрини кенгайтириш ёки икки паралел чуқур қуриб, навбатманавбат фойдаланиш маъқул. Чуқур деворлари юмшоқ тупроқларда ёки чуқурни қайта-қайта фойдаланиш режаси бўлса, мустаҳкамланади (масалан, ғишт териб чиқилади ёки бетон ҳалқа ва қувурлар ўрнатилади). Девор материаллари сув ўтказувчан бўлиши мумкин (терилган ғишт оралари очик, бетон ҳалқалар перфорация билан) — бу суюқликнинг тупроққа сўрилишига ёрдам беради. Аммо чуқурнинг юқори қисми, таҳминан бир метри (ер сатҳига яқини) имкон қадар герметик қилинади (цементлаш орқали) — бу ёғингарчилик сувларининг чуқурга оқиб тушмаслиги ва ҳашаротлар кирмаслигини таъминлайди. Чуқур усти бетон ёки темир-бетон плита билан ёпилиб, унда хизмат кўрсатиш учун 1–2 та люк (тешик) қолдирилади. Ҳожатхона пол-қавати мустаҳкам қилиниши зарур (унитаз ёки чашаген оғирлигини кўтариши учун).

Вентиляция қувури диаметри 100 мм дан кам бўлмаслиги лозим ва у ҳожатхона иншоотининг том қисмидан баландроқ қилиб ўрнатилиши зарур. Чуқурда ҳожатхона туйнуги (ёки унитаз) ва вентиляция қувуридан ташқари бошқа ҳар қандай туйнук – ҳаво кириш ёки чиқиш учун – бўлмаслиги керак. Пол ҳам тўлиқ герметик ёпилган бўлиши лозим. Бундай тузилиш ҳаво босимининг фарқи ҳисобига табиий ҳаво оқимини

ҳосил қиласи. Натижада ҳаво оқими ҳожатхона ичидан ҳожатхона түйнуги томонга қараб ҳаракатланади ва ҳожатхона чуқури ичидаги нохуш ҳид ҳамда газлар вентиляция қувури орқали юқорига чиқиб кетади. Бу эса ҳожатхона ичидаги заарли газлар ва нохуш ҳид тўпланишининг олдини олади. Вентиляция қувури қора рангда бўлиши тавсия этилади – бу унинг қуёш таъсирида кўпроқ қизишига сабаб бўлади ва, шу билан, ҳаво оқимининг юқорига қараб тезроқ ҳаракатланишига ёрдам беради. Вентиляция тизимининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида, қувурнинг юқори қисмiga кичик қуёш панелли вентилятор ўрнатиш мақсадга мувофиқ.

Эксплуатацияси: Ҳожатхонадан фойдаланишда вентиляция қувурининг доимо очиқ ва ишлаётганига эътибор бериш лозим (масалан, тор тўр тоза бўлиши, тиқилиб қолмаслиги). Чуқур тўлгани яқин қолганда (чуқур юзасига 0,5 м қолганда) вақтида тозалаш чораларини кўриш керак: ассенизатор машинаси ёрдамида сўриб ташлаш ёки имконият бўлмаса, шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиб, чиқиндиларни қўлда ковлаб олиб, маҳсус жойга кўмиш. Бундан кейин чуқур яна фойдаланишга яроқли бўлади. Агар чуқурни вақтинча ёпиб, янги чуқур қазиб фойдаланилаётган бўлса (икки чуқурли тизим), тўлган чуқурни камида 1–2 йил қолдириб, уни компостлашга бериш керак. Шу муддат ичидаги чиқиндиларнинг заарли организмлари ҳалок бўлиб, массаси қуруқ компостга айланади. Кейин уни ўғит сифатида боғда (хусусий томорқада дараҳтлар остига) хавфсиз қўллаш мумкин. Ҳожатхонадан фойдаланувчиларга қаттиқ чиқиндиларни (пластик, мато ва ҳ.к.) чуқурга ташламасликни тушунтириш зарур, чунки бу нарсалар чуқурни тўлдириб қўяди ва тозалашни қийинлаштиради.

6) Септиклар ва сиздиргичлар (инфилтрация майдончалари)

Тизим тавсифи: Септик – бу ер остида ўрнатиладиган маҳсус герметик тозалаш ҳавзаси (одатда икки камерали) бўлиб, унга уйдан барча оқова сувлар сизиб тушади (ҳожатхона, ванна, ошхона ва бошқалардан келадиган чиқинди сувлар). Септикка тушган чиқинди

сувлар биринчи камерада тиниб, моддалар қатламанади: оғир ва қаттиқ заррачалар тубига чўкиб лой (ил) ҳосил қиласди; ёғ ва енгил юзадиган моддалар юзада кўпик (пена) шаклида тўпланади. Мазкур усулда чиқиндиларнинг бир қисми анаэроб (кислородсиз) бактериялар таъсирида чирийди ва тозаланади.


Ишлаш принципи: Септик ҳавзанинг биринчи камерасида механик тиниш ва анаэроб парчаланиш содир бўлгандан кейин, нисбатан тиниқланган (ўз-ўзидан тоза) сув иккинчи камера ёки қувур орқали ер ости фильтрация тизимиға оқиб ўтади. Фильтрация тизими сифатида одатда махсус дренаж қудуғи ёки траншеяларда ташкил қилинган фильтрация майдони хизмат қиласди. Масалан, ер остига 0,5–1 м чамаси чуқурликда ва керакли узунликда траншея қазилиб, унинг тубига шағал ёки майда тош-қум қатлами тўшалади, устидан перфорация қилинган қувурлар ёки махсус пластик инфильтрация камералари ётқизилади. Септиктан чиқсан суюқ оқова шу қувурлар ёки камералар орқали шағал қатламиға тарқатилади ва кейин тупроққа сингиб, тупроқ томонидан қўшимча тозаланади. Шу тарзда септик тизимида икки босқичли тозалаш амалга ошади: септик ҳавза ичида анаэроб парчаланиш, ерда эса аэроб микроорганизмлар ёрдамида фильтрация ва заарсизлантириш. Септик тизими оқова сувлар ифлосланишининг сезиларли қисмини (50-70 фоиз) бартараф эта олади.

Септиктан кейинги тупроқдаги тозалаш тизими бир нечта турга бўлиниши мумкин.

Энг кенг тарқалгани – *шағал-қумли фильтрация майдони*: бунда юқорида айтилганидек, перфорация қувурлар ва шағал ётиғи орқали суюқлик тупроққа сингади. Бу тизим учун маълум майдон керак бўлади, шунинг учун ҳар бир ҳовлида имконият бўлмаслиги мумкин.

Алтернатив усуллардан – *пластик модулли камералар* (масалан, АҚШда кенг фойдаланиладиган тайёр блоклар) қўлланиши мумкин. Бу ҳолда шағал ўрнига ер остига йирик бўшлиқли пластик камералар бир-бирига уланиб ўрнатилади; чиқинди сувлар шу бўшлиқларда тўпланиб, кейин тупроққа сўрилади. Пластик камерали тизимларнинг афзаллик

томонлари шундаки, уларни ўрнатиш осон (шағал қидириш шарт эмас), камроқ майдон талаб этади ва ҳатто ер остки сув сатхининг баландроқ ҳудудларида ҳам махсус ечим, яъни кўтарма инфильтрация майдонлари (mound) билан қўллаш мумкин.



Расм 14. Септик тизими ва сиздиргувчи ҳандақлар(камерали инфильтрация тизими)

Афзалликлари:

- Оддий чиқинди чуқурига нисбатан санитария жиҳатидан хавфсизроқ: чиқинди сувлар тахминан 50–70% тозаланган ҳолда тупроққа чиқарилади (патоген ва зарарли моддалар камаяди).
- Септик ҳавза ёпиқ бўлганлиги боис, тўғри эксплуатация қилинса ҳиди деярли сезилмайди.


- Тизим үзоқ муддат (20 йиллаб) хизмат қилиши мүмкін, фақат вақт-вақти билан септик тубида түпленгән ил (лой)ни тозалатыб туриш талаб этилади.
- Турли тупроқ шароитига мослаштырса бўлади – масалан, сўрилиш қобилияти паст бўлса, бир неча траншея ёки катта фильтрация майдони қуриш, ёки аксинча, сув тез сингиб кетадиган қумли тупроқда кичикроқ майдон билан чекланиш мүмкін.

Камчиликлари:

- Қурилиши ва ўрнатилиши анъанавий чуқурга қараганда мураккаброқ ва қимматроқ (чунки бетон ёки пластик резервуар, қувурлар, катта ҳажмда ер ишлари талаб этади).
- Септиктан кейин фильтрация майдони учун етарли ер майдони ажратиш лозим бўлади, бу жойи тор ҳовлиларда муаммо бўлиши мүмкін.
- Ҳар 3–5 йилда (фойдаланишга қараб) септик тубидаги түпленгән илд-қолдиқни ассенизатор машинаси билан сўртириб ташлаш керак бўлади.
- Агар хонадонда бир вақтнинг ўзида жуда кўп сув чиқиндиси оқизилса (масалан, бирданига кўп кир ювиш, ваннадан фойдаланиш ва ҳ.к.), септиқдан чиқувчи фильтрация майдони ортиқча намланиб кетиб, тўйиниши мүмкін. Бундай ҳолда тизим самараси пасаяди.

Тизимни танлаш мезонлари: Септик тизими сув таъминоти бўлган (яъни, хонадонда крани бор, ванна ва ошхона ҳам умумий ички оқовага уланадиган) уйлар учун мос ечимдир. Агар оила ҳожатхона, юваниш ва ошхона сувларидан тўлиқ фойдаланиб келган бўлса, оддий чиқинди чуқури бундай ҳажмни кўтара олмайди – бу ҳолда септик зарур бўлади. Шунингдек, ер майдони нисбатан каттароқ бўлиб, унда фильтрация траншеяси ёки қудуғи жойлаштириш мүмкін бўлса, септик ечими самара беради. Ер остки сувлари жуда юқори бўлган жойда кенг майдонда

фильтрация қилиш қийин; бундай вазиятда септикни ер юзасига яқинроқ қуриб, сунъий күтарилган фильтрация тизими орқали чиқиндиларни тупроққа сингдириш усули қўлланади (ёки мутлақо сўрилиши йўқ варианлар ўйланади). Септик тизими доимий яшайдиган аҳолига эга бўлган қишлоқ хонадони, коттеж ёки дача учун қулай, чунки у мунтазам равишда маълум вақтда тозалов хизмати чақиришни талаб этади. Агар бу хизмат маҳаллий даражада йўлга қўйилмаган бўлса ёки ер шароити ёмон бўлса (масалан, ассенизатор машинаси чиқиб боролмайдиган тоғ тепасида), унда септиқдан фойдаланиш муаммоли бўлади.




Группа почвы	Подгруппа почвы	Текстурная классификация почвы	Норма пропускание воды (литров/день/кв. м)
НП	не подходит	Гравий, крупный песок	-
А	A-1	Песок	48,89
	A-2a	Супесь	40,75
	A-2b	Мелкий песок, супесь	30,56
В	B-1	Легкий суглинок, песчаный суглинок, супесь	24,45
	B-2	Суглинок, иловатый суглинок	18,34
С	C-1	Ил, глинистый супесь, иловато-глинистый супесь	12,22
	C-2	Глинистый суглинок	8,15
НП	не подходит	Глина, песчаная глина, илистая глина (содержание глины больше 40 процентов) органический ил, плотная глина, твердый грунт	-

Расм 15. Тупроқ турлари ва септик тизимга мослиги

Лойиҳалаш ва қуриш мезонлари: Септик тизимини лойиҳалашда фойдаланувчилар сони ва кунлик чиқинди сув миқдори инобатга олинади. Одатда септик ҳавзанинг умумий ҳажми кунлик оқова сув ҳажмининг камида уч бараварига тенг қилиб танланади – бу чиқиндилар септиқда 2–3 сутка туриб, яхшилаб тозаланиши учун шароит яратади. Масалан, бир хонадон кунига 400 литр сув чиқиндиси чиқарса, септик ҳавза ҳажми 1200 литр ёки кўпроқ қилинади. Септик деворлари мутлақо сув ўтказмайдиган материалдан қилинади: масалан, бетон ҳалқалар ораси бутунлай цемент эритмаси билан муҳрланади, ёки тайёр пластик цистерналар ўрнатилади. Септик тизимида қувурларнинг септиқка

кириш ва чиқиш қисмлари албатта Т- шаклдаги отводлар орқали бажарилиши зарур. Бундай конструкция чиқинди сувларнинг юқоридаги қалқувчи қатлам (ёғ ва бошқа чиқиндилар) ва тубдаги лой қатламига аралашмасдан, септик танкнинг марказий қисми орқали ўтишига ёрдам беради. Бу чиқиндиларнинг самарали фильтрация қилиниши ва тизимнинг узоқ муддатли ишлашини таъминлайди. Герметиклик тупроққа ҳали тозаланмаган чиқинди суви оқиб кетмаслиги ва ер остки суви септикка аралашиб кирмаслиги учун жуда муҳим.



Расм 16. Септик ва Т- отвдод

Септиқдан уйгача тортиш құвури 3% (хар метрга 3 см) қиялик (наклон) билан, имкон қадар түғри чизиқда ётқизилади – кескин буралиб қолмаслиги керак, акс ҳолда құвур тиқилиб қолиши мүмкін. Септик ва фильтрация майдонини жойлаштиришда санитар хавфсизлик масофаларига риоя этиш зарур: ичимлик суви құдуғи ёки ариғидан камида 15 метр (яхшиси 30 метр ёки күпроқ) узоқда бўлиши лозим. Халқаро меъёрлар 15–30 метр масофани тавсия этади, баъзи давлатларда (масалан, АҚШ, Эфиопия) минимал 30 м қонуний норма қилиб белгиланган. Септик ёки чиқинди майдони қўшнининг ер участкасидан камида 2–3 м узоқда жойлаштирилиши керак, акс ҳолда кейинчалик ҳид ва намлик бўйича норозилик келиб чиқиши мүмкін.

Үйнинг ўзига нисбатан септикни одатда 3–5 м узоклиқда ўрнатса бўлади, чунки у ёпиқ ва ҳиди кам; аммо фильтрация қудуғи ва траншеяларини уйдан камида 10 м олисроқ қилиш таклиф этилади, чунки ер доимий нам бўлиши фундаментга салбий таъсир қилиши мумкин.

Инфильтрация майдонининг юзаси текис ва нишабсиз бўлиши шарт – бу суюқ чиқинчиларнинг бир текис тақсимланиши ва тупроқса сингиши учун муҳим. Нишаб жойда инфильтрация суви нотекшир тарқалиши ва майдоннинг бир қисмида ботқоқланиш, бошқа қисмида қуриб қолиш каби муаммолар юзага келиши мумкин.

Инфильтрация ҳандақларининг (траншеяларнинг) узунлиги тупроқнинг сув ўтказувчанлик қобилияти ва чиқинди сув миқдоридан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланади. Бу ҳисоблашлар асосида ҳар бир ҳандақ қанча миқдорда чиқинди сувни қабул қила олиши аниқланади.

Агар инфильтрация камераларидан фойдаланилса, бир ҳандақнинг оптимал узунлиги **30 метр** этиб олинади. Бундай камералар (модулли пластик блоклар) тупроқнинг аэрацияси ва сингдириш самарадорлигини оширади.

Шунингдек, камералардан фойдаланилганда, анъанавий қувурли тизимга нисбатан ҳандақлар умумий узунлигини 2 мартағача қисқартириш мумкин. Агар шагал ва қум түшамаси билан замонавий тизимлар қўлланилса, умумий инфильтрация ҳандақларининг узунлигини **4 мартағача камайтириш** имкони туғилади. Бу ерда, албатта, тупроқнинг фильтрация қобилияти ва санитар меъёрларга риоя этилиши таъминланиши зарур.

Инфильтрация майдонини боғдаги мевали дарахтларга яқин жойлаштираслик керак (камида 3 м узок), акс ҳолда дарахт илдизлари қувурларга ўсиб кириб, уларни беркитиб қўйиши мумкин. Инфильтрация майдонини сув тўлдириб ёки зўравон усулда суғориш қатъиян ман этилади – бу ернинг намланиб, фильтрация қобилияти пасайишига ва

ботқоқланишга олиб келади. Шунинг учун бу майдондаги ўсимликлар пуркаб суғориш (спринклер ёки сепиш) усули орқали намланиши лозим.

Инфильтрация майдони яшил газон экиш учун жуда мос келади. Шунингдек, ундан стадион, кичик йўйингоҳ, боғ участкаларининг декоратив қисми сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Лекин бу майдонда оғир техника ҳаракати ёки қаттиқ юқ тушириладиган иншоотлар (масалан, бетон майдонча, гараж ва ҳ.к.) қуриш мумкин эмас – бу ер тузилишига зарар етказиши ва сингдириш қобилиятини йўқотиши мумкин.

Эксплуатацияси: Септик тизимидан фойдаланиш нисбатан осон, чунки кундалик бевосита аралашув талаб этилмайди. Бироқ, ҳавза тубидаги тўпланган илд ва чириндиларни ҳар бир неча йилда бир марта (ўртacha 3–5 йилда) тозалатишни унутмаслик керак. Бунинг учун маҳсус ассенизатор машинаси келиб, септик люки орқали илни сўриб олади. Септик жойлашган ерга машина осон етиб келиши учун кириш йўлаги имкониятини қурилиш пайтидаоқ режалаштириб қўйиш зарур. Септиқдан фойдаланганда чиқинди қувурига юқорида айтилганидек, ҳаддан ташқари залп (бир зумда катта миқдорда) сув қўймасликка ҳаракат қилиш лозим – бу тизимнинг узлуксиз ва самарали ишланини таъминлайди. Септикка парчаланмайдиган моддаларни ташлашдан сақланиш зарур (масалан, полиэтилен пакетлар, тифонак моддалар) – улар ҳавзада тўпланиб қолади ёки фильтрация қисмига ўтиб кетса, уни тиқиб қўйиши мумкин. Агар септиқдан мунтазам фойдаланилмаса (масалан, дача фақат мавсумий ишлайди), янги мавсум бошида септикка заарсизлаштирувчи бактериялар препаратини қўшиш орқали унинг иш самарадорлигини тезроқ тиклаш мумкин.

c) Тўпловчи резервуар тизимлар

Тизим тавсифи: Бу тизимда ер остига бирор катта ҳажмли идиш (резервуар) ўрнатилади, унга барча чиқинди сувлар тўпланади. Яъни, оддий чиқинди чуқуридан фарқли равишда бу идиш мутлақо ёпиқ ва сув ўтказмайдиган (герметик) қилиб тайёрланган бўлади. Ичга тўпланган

чиқиндилар тупроққа сингмайди; фақат идиш түлганды, махсус машина билан түлиқ сўриб олиб чиқилади.

Ишлаш принципи: Уйдан келаётган барча оқова сувлар ва ҳожатхона чиқиндилари ер остидан ўтган қувур орқали шу герметик идишга түпланиб боради. Идиш ҳажми түлганды, мулк эгаси ёки хизмат кўрсатувчи ташкилот ассенизатор машинасини чақириб, идишни тўлалигича тозалайди ва чиқиндиларни чиқариб кетади. Демак, бу тизимда чиқиндилар жойида ҳеч қандай тозаланмайди – асосий мақсад атроф-муҳит билан контактни буткул олдини олишdir.

Афзалликлари:

- Чиқиндилар ерга ёки сув манбаларига сингмайди, шу сабабли санитария жиҳатидан энг хавфсиз (ичимлик сув ҳавзалари ифлосланмайди).
- Ер остки суви сатҳи юқори бўлган жойларда ҳам, қаттиқ тошлоқ тоғли ерларда ҳам қўллаш мумкин.
- Конструкцияси нисбатан содда: тайёр пластик цистерналар ёки бетон идишлар қўлланилиши мумкин, уларни қазилган чўқурга ўрнатиб қўйиш кифоя.

Камчиликлари:

- Чиқиндилар тез тўпланадиганлиги сабабли жуда тез-тез тозалаш (ассенизация) керак бўлади – масалан, идиш ҳажми кичик ва сув сарфи катта бўлса, ҳафтада бир марта ҳам тўлиб қолиши мумкин; одатда эса ойда бир марта ёки бир неча ойда бир тозалашга тўғри келади.
- Эксплуатацион харажатлари юқори: ассенизация хизмати учун тўлаш талаб этилади, шунинг учун узоқ муддатда иқтисодий томондан қимматга тушади.
- Идиш тўлиб қолганда ортиқча чиқиндилар ҳеч қайдада кетмайди – чунки система фильтрацияга эга эмас. Агар вақтли тозаланмаса, оқова чиқинди тошиб, атрофни ифлослантириши мумкин.

Тизимни танлаш мезонлари: Резервуар тизими, аввало, чиқинди сувларни ерга сингдириш мүмкін бўлмаган ҳолатларда танланади. Масалан, ер ости суви сатҳи жуда юқори бўлса ва чуқур қазиш билан сувни узоқлаштириб бўлмаса, ёки тупроқ үмуман сув ўтказмайдиган зич бўлса, оддий чиқинди чуқур ёки септик самарасиз бўлса – бу ҳолатда ягона ечим сифатида чиқиндиларни йиғиб, ҳудуддан ташиб кетиш концепцияси қолади. Шунингдек, аҳоли жуда зич яшайдиган жойларда (масалан, шаҳарга яқин маҳаллаларда, бинолар орасида) фильтрация майдони ташкил қилиш учун жой топилмаса, герметик идишдан фойдаланишга тўғри келади. Ичимлик суви манбасига жуда яқин ҳудудларда ҳам худди шу тамойил қўлланилиши мүмкін, чунки ҳатто септиқда ҳам маълум миқдор суюқлик тупроққа кетади ва бу сув қатламини булғаши эҳтимоли бор. Бордию, марказлашган оқова тармоғини кутиб туриш учун вақтинчалик ечим керак бўлса, ушбу тизими ўтиш даври учун ҳам мосдир (кейинчалик идишдан чиқиндилар оқова магистралига насос ёрдамида юборилади). Бир муҳим шарти – бу тизим доимо пухта ва ўз вақтида хизмат кўрсатилишини талаб этади: атрофда ассенизатор машинаси хизмати мавжуд бўлиши шарт ва уни чақириш имконияти (йўл ва молиявий жиҳатдан) таъминланган бўлиши керак.

Лойиҳалаш ва қуриш мезонлари: Тўпловчи резервуар танлагандан, унинг материал ва ҳажмига алоҳида эътибор бериш лозим. Резервуар тўлиқ герметик бўлиши шарт – маҳсус пластмасса ёки полиэтилен цистерналар афзал. Агар бетон идиш ёки ҳалқалардан қилинса, барча тирқишлиари яхшилаб битум ёки цемент қотишмаси билан беркитилиши зарур. Ҳажмни эҳтиёждан келиб чиқиб олганда, имконият борича каттароқ танлангани маъқул, чунки у қанча катта бўлса, шунча камроқ тез-тез тўлади. Масалан, 3–5 м³ лик идиш бир оила учун бир неча ойда тўлади, 1 м³ лик идиш эса ҳар ой тўлиб қолиши мүмкін. Резервуар ўрнатиладиган жойга ассенизатор учун кириш йўлаги ҳақида ўйлаш керак – одатда ассенизаторнинг шланги 5–10 метр узайиши мүмкін, ундан ортиқ эмас. Резервуарнинг усти ер сатҳидан кўринавермаслиги учун унинг люк-қопқоғи ер билан текис қилиб ўрнатилади; бу қопқоқ кейин хизмат кўрсатиш учун осон очиладиган бўлиши керак. Идиш ичида

пайдо бўладиган газлар учун кичик вентиляция тешиги ёки қувурчаси ўрнатилса яхши – бу метан босими ортиб кетмаслиги ва ҳид йиғилмаслиги учун.

Эксплуатацияси: Резервуар тизимида фойдаланувчи эътибор қаратиши лозим бўлган асосий масала – идишнинг тўлиш даражаси. У доимо назоратда бўлиши ва маълум бир чегарага етганда (масалан, 3/4 тўлганида) зудлик билан тозалаш хизмати чақирилиши лозим. Баъзи замонавий резервуарларда тўлиш сигнализаторлари ўрнатилади, лекин кўп ҳолларда бу масъулият фойдаланувчининг ўзига юкланади. Резервуарни ҳеч қачон ортиқча тўлдириб юбормаслик лозим – акс ҳолда чиқиндилар тошади. Умуман, бу тизимдан фойдаланиш давомида йўриқномага қатъий амал қилиш, мұхрланган қопқоқларни бузмаслик, идишга сувда еримайдиган буюмлар ташламаслик лозим.




Расм 17. Ассенизатор

д) Компост ҳожатхоналар

Тизим тавсифи: Компост (қуруқ) ҳожатхона – бу сув ишлатмайдиган санитария тизими бўлиб, унда чиқиндилар махсус идиш ёки камерада торф, кул ёки қуруқ сомон (ёғоч қипиқлари) каби қуруқ материаллар билан аралаштириб борилади ва аэроб шароитда чиритилади. Бўнинг натижасида чиқиндилар заарсизланиб, кейинчалик ўғит сифатида қўллаш мумкин бўлган компост ҳосил бўлади. Компост ҳожатхоналар

турли конструкцияда бўлади: энг соддаси – пудр-клоузет (люфт-клозет) деб номланадиган тури, яъни оддий челяқда амалга оширилади, ҳар бир ташрифдан кейин чиқинди устига қўлда озроқ қуруқ модда (масалан, кул ёки торф) сепилади ва бу вақтинчалик ечим сифатида ишлатишга қулай. Стационар варианларда (масалан Экосан туалетлар) 1 ёки 2 камерали маҳсус ҳожатхоналар қурилади: бир камера тўлгандан кейин чиқинди оқимини иккинчисига йўналтиришади, тўлган камера эса маълум муддат (масалан, 1 йил) давомида ўзида чиқиндиларни компостлаш учун қолдирилади. Шу муддат охирида у камерадан нисбатан хавфсиз компост олинади ва камера яна фойдаланишга тайёр бўлади. Бундай ҳожатхоналарда одатда сийдик алоҳида контейнерда йиғилади ва камерага аралаштирилмайди.



Расм 18. Компостлаш ҳожатхонаси

Ишлаш принципи: Компост ҳожатхонада чиқиндилар тупроқ билан аралашмаган, алоҳида идишда йиғилиб, у ерда қуритиш ва компостлаш жараёнига дучор бўлади. Фойдаланувчилар ҳар бир фойдаланганларидан кейин озроқ (ёки бир ҳовуч) қуруқ модда (торф, қипик, кул ва ҳ.к.) сепиб қўядилар – бу чиқиндиларнинг ҳаддан ташқари

хўллигини олиб, ҳидларни камайтиради ва үларнинг аэроб бактериялар таъсирида чиришини тезлаштиради. Идиш ёки камера ички вентиляция қувурлари билан таъминланган бўлади, бу ҳам ҳаво кириб, таркибнинг чиришига ёрдамлашади, ҳам ортиқча ҳидни юқорига чиқариб юборади. Вақт ўтиши билан (одатда бир неча ойдан бир йилгача) чиқиндилар эскириб, массаси камаяди ва патологик организмларининг катта қисми ҳалок бўлади. Натижада ҳосил бўлган компост кўпинча қўшимча пишитиш учун тупроқда ёки қопларда яна бир муддат сақланади. Шундан кейин у боғларда дараҳтлар ёки гулларни ўғитлашда фойдаланиш мумкин (қайд этиш жоизки, озиқ-овқат экинларида тўғридан-тўғри қўллаш тавсия этилмайди).



Расм 19. Экосан чаша

Бундай ҳожатхоналарда фойдаланувчи эҳтиёжини табиий равишда ажратиш ва чиқиндиларни қайта ишлаш учун мўлжалланган маҳсус чашалар (генуя типидаги) қўлланилади. Улар одатда уч қисмдан иборат:

- Аҳлат (қаттиқ чиқиндилар) учун маҳсус туйнук — марказий жойда жойлашган бўлиб, у компостлаш камерасига туташади.

Фойдаланилмаган вақтда ҳид ва ҳайвонлар кириб кетмаслиги учун түйнук ҳаво ўтказмайдиган қопқоқ билан ёпилади.

- Сийдик учун алоҳида ёйилган ваннача — чашанинг олд қисмида бўлиб, чиқинди ажратишни оқилона ташкил қилишга ёрдам беради (сийдикни алоҳида йиғиш ва қайта ишлаш учун).
- Гигиеник ювиш учун кичик ваннача — чашанинг орқа ёки ён томонда жойлашади.

Тизимни танлаш мезонлари: Компост ҳожатхоналар аввало сув танқис ҳудудларда долзарб — масалан, чўл ёки ярим чўл ҳудудларда, сув тортиб келиши қийин бўлган тоғли қишлоқларда улар яхши ечим бўлиши мумкин. Чунки бу тизим учун сувнинг ҳожати йўқ: қуийш ҳам, ювиш ҳам талаб этилмайди. Шунингдек, атрофдан ассенизатор хизмати олиб келиш имконсиз бўлган узоқ хўжаликлар (масалан, тоғли овуллар) учун чиқиндилардан жойнинг ўзида фойдаланишга имкон яратади. Далаҳовлида боғдорчилик ёки дехқончилик билан шуғулланувчи, чиқиндидан чиқадиган ўғитга эҳтиёжи бор оиласлар учун компост ҳожатхона жуда қўл келади. Албатта, бу тизимни танлашдан аввал фойдаланувчилар бундай ҳожатхонанинг ўзига яраша масъулияти борлигини тушуниб етишлари керак. Катта аҳоли зич яшайдиган ерларда ҳар бир хонадонда компост ҳожатхона қўйиш ҳам мантиқий эмас — бу кўпроқ индивидуал ҳовлилар, кичик жамоалар учун мос. Ҳарорат йил давомида паст бўладиган совуқ ҳудудларда компост тизими самарасиз бўлиши мумкин, шунинг учун бунда қўшимча чоралар (масалан, камерани қишида иссиқ жойда сақлаш ёки идишни изоляция қилиш) талаб қилиниши мумкин.

Лойиҳалаш ва қуриш мезонлари: Компост ҳожатхона қуришда унинг камералари ҳажмини фойдаланувчилар эҳтиёжига мос қилиш керак. Икки камерали стационар тузилма бўлса, ҳар бири шунча ҳажмда бўлиши керакки, биринчиси тўлиб, ундаги чиқиндилар компостлашга қўйилгандан кейин барча фойдаланувчилар иккинчи камерага ўтишганидан сўнг ҳам биринчи камерадаги чиқиндилар бир йил давомида осойишта чиришига улгурсин. Масалан, 5 кишилик оила учун

битта камера ҳажми камида 1–1,5 м³ қилинади; шу билан бирга иккинчи камера ҳам шу ҳажмда тайёрланса, йил мобайнида навбатлаш мумкин бўлади. Камералар материаллари чиримайдиган ва сув ўтказмайдиган бўлиши зарур: масалан, пластик ёки металл идишлардан фойдаланилади, ёки бетондан маҳсус корпус қурилади. Камераларнинг ичига ҳаво кириб туриши ва ҳид чиқиши учун камида битта вертикал вентиляция қувури ўрнатилади; унинг оғзига майда тўр тортилиши пашша кириб кетмаслиги учун муҳим. Компост ҳожатхона ҳовлида ёки уйга туташ жойда қурилганда, унинг пол-қавати яхшилаб изоляция қилинади (чиқиндилар ерга оқиб кетмаслиги учун) ва орқа тарафи ёки таг қисмида тайёр компостни олиб чиқиб кетиш учун люк (эшикча) кўзда тутилади.

Эксплуатацияси: Бу тизимни самарали юритиш учун ўз вақтида ва тўғри эксплуатация қоидаларига амал қилиш зарур. Ҳар бир фойдаланишдан кейин қуруқ модда (торф, қипик ёки кул) солиб борилиши шарт – бу компостлашнинг муҳим қисми. Ҳар ҳафта ёки ойда вентиляция қувурида тиқин йўқлигини текшириб туриш, ҳожатхона ичига ёмғир суви кирмаслигини назорат қилиш лозим (масалан, томининг яхши ёпилгани ва қопқоғи борлиги талаб этилади). Камера тўлганидан ва компостлаш жараёнидан сўнг эҳтиётлик билан унинг ичидаги массани олиб, маҳсус қопларга ёки алоҳида чуқурга кўчириб қўйиш керак ва у ерда яна бир неча ой давомида қўшимча "пишириш" тавсия этилади. Компостни ташиш ва ишлов беришда шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш (қўлқоп, резина этик) лозим. Тайёр бўлган компостни тўғридан-тўғри сабзавот-полизга солиш эмас, балки дарахтлар ёки гулларнинг тагига кўмиш мақсадга мувофиқ – шу йўсинда барча эҳтиёт чораларига риоя қилинган бўлади.

Афзалликлари:

- Сув умуман талаб этилмайди, қуруқ технология.
- Асосий чиқиндиларни жойнинг ўзида экологик хавфсиз маҳсулотга айлантиради (ўғитга).

- Чиқиндилар тупрокқа ёки сув манбаларига түшмайды, атроф-мухит булғанмайды.
- Компост күринишида фойдалы маңсулот олинади (агар цикл түрі амалға оширилса).



Камчиликлари:

- Фойдаланувчилардан маълум интизом ва фаол қатнашиш талаб этади (масалан, ҳар сафар чиқиндилар устидан торф ёки қуруқ модда солиш, йиғилган компостни вақтида олиб, сақлаш ва ташиш).
- Агар тизимга етарлича хизмат күрсатилмаса ёки вентиляция ёмон бўлса, ҳид чиқиши мумкин.
- Совук об-ҳавода ва қиш фаслида компостлаш жараёни анча секинлашади, шу боис самарадорлиги тушади.
- Олинган компостни хавфсиз қўллаш учун маълум билим ва малака зарур (масалан, компостни камиди 1 йил давомида эскиртириб, кейин ишлатиш каби талаблар бор).

е) Биореакторлар (инновацион тизимлар)

Тизим тавсифи:

Биореактор – локал ёки **мини-тозалаш иншооти (аэротанк)**. Бунда завод тайёрлаган компакт қурилма ўрнатилади, у электр компрессорлари ёрдамида чиқинди сувларга ҳаво юбориб, тезкор аэроб биологик тозалашни амалға оширади. Яъни кичик механик-биологик тозалаш станцияси дейиш мумкин, унинг натижасида оқова сув деярли тоза ҳолга келади (90–95% органик ифлосликлардан тозаланади) ва шундан сўнг ерга ёки сув оқимига хавфсиз тарзда оқизилиши мумкин.



Расм 20. Биореактор

Ишлеш принципи:

Биореактор үсулида эса ишлеш принципи бутунлай бошқача: қурилма ичида компрессор доимий равишда ҳаво юбориб туради, натижада чиқынди сувдаги микроорганизмлар аэроб шароитда фаоллашиб, чиқынди сувларни тез парчалайды. Қурилма бир неча босқичга әга бўлиши мумкин – масалан, аввал механик фильтрация (чиримайдиган моддаларни тортиб олиш), кейин аэроб тозалаш, кейин эса заарсизлантириш камераси. Бундай тизимлар электр энергияси билан ишлайдиганлиги ва нозик электроникаси борлиги боис, кўпроқ шахсий ҳовлилар ёки кичик үй жамоалари учун сотиладиган тайёр маҳсулот кўринишида бўлади.

Афзалликлари:

- чиқынди сувларнинг жуда юқори даражада тозаланишини таъминлайды (90–95% гача), бу эса жойнинг ўзида тозаланган сувни

ерга ёки оқовага хавфсиз чиқариш ёки техник сув сифатида фойдаланиш имконини беради. Ҳид ёки антисанитария хавфи деярли йүқ, чунки система түлиқ ёпиқ ва назоратланган.

- Биореактор нисбатан ихчам – битта блок тарзида бўлиши мумкин, катта майдон талаб этмайди.

Камчиликлари:

- нисбатан қиммат турадиган жиҳоз (ўрнатилиши ва модул нархи баланд), электр энергияси талаб этилади. Баъзи тизимлар электр токисиз б соатгача хизмат қилиб туриши мумкин.
- аэротанк токсиз қолса, бир неча кун ичида ундаги кўп бактериялар ўлиб қолиши мумкин.

Тизимни танлаш мезонлари:

Аэротанк типидаги локал ёки мини-тозалаш иншоотлари эса асосан сув ҳавзаси яқинидаги коттежлар, дам олиш масканлари ёки оқова тизими етмайдиган, лекин энг юқори даражада тозалаш талаб этиладиган обьектлар учун мос. Масалан, табиат қўриқхоналаридағи дам олиш уйлари, тоғ дамгоҳларида, йирик санаторий ёки лагерларда, ерлари тор бўлган замонавий қишлоқча (посёлка)ларда бундай мини-тозалаш станцияларини қўллаш мумкин. Албатта, бунда электр таъминоти үзлуксизлиги ва сервис ҳизмати мавжудлиги кафолатланган бўлиши керак.

Лойиҳалаш ва қуриш мезонлари: Бу каби локал станциялари ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрлаб ва ўрнатиб берилади, унда сертификациядан ўтган маҳсулотни сотиб олиш ва ўрнатиш тавсия этилади. Талаб этиладиган ўтказувчанлик (литр/сутка) ва аҳоли сонига мос моделни танлаш керак. Тизимдан чиқаётган сувни суғориш ишларида ёки техник сув сифатида фойдаланиш учун заарасизлантириш (ултрабинафша, озон ёки хлор ёрдамида) ускунаси бўлиши зарур.

Эксплуатацияси: электр двигателлар, компрессорлар ва насослар ҳолатини кузатиб бориш керак; маълум вақтда (масалан, ярим йилда) фильтр элементлари ва тубида тўпланувчи чўкинди (ил)ни тозалаш талаб

этлади. Агар тизим фойдаланилмай бир неча ҳафта туриб қолса, уни қайта ишга тушириш учун мутахассисни чақириш керак бўлади, чунки бактерия колониясини қайтадан ривожлантириш учун маҳсус препаратлар ва режимларни қўллаш зарур бўлиши мумкин.

3. Турли шароитлар учун танлов мезонлари

Ҳар бир маҳаллий санитария тизимини танлашда ҳудуднинг маҳсус шарт-шароити инобатга олиниши жуда муҳим. Баъзи ҳолатларда маълум бир система мутлақо мос келмаслиги мумкин, шунингдек тўғри танланса, энг содда ечим ҳам самарали бўлади. Қуйида тупроқ тури, ер остки сувлари сатҳи, қурилиш зичлиги ва иқлим каби омилларга қараб турли тизимларни танлаш бўйича тавсиялар келтирилади:

a) Тупроқ тури ва суюқлик сингдириш қобилияти: Сувни яхши ўтказувчи қум, қумоқ ва қумлоқ тупроқларда фильтрацияга асосланган тизимлар (масалан, оддий чиқинди чуқури ёки септик майдони) яхши ишлайди(16-расм). Бундай тупроқлар ҳар бир квадрат метрга кунига 20–30 литргача суюқликни сингдира олади.

Аксинча, гил ва зич тупроқларда сув ўтказиш қобилияти жуда паст ($10 \text{ л/сутка} \cdot \text{м}^2$ дан кам). Шунинг учун, агар ҳовлингизда тупроқ кучли гил ва бақувват бўлса, чиқинди суюқликлари ерда йиғилиб қолиши, чуқур тез тўлиб кетиши мумкин – бундай жойларда септик учун ҳам сизгич ҳандаклари(фильтрация траншеяси) самарасиз бўлади (14 ва 15 расм). Демак, тупроғи оғир (сув сингдирмайдиган) участкаларда тўпловчи резервуар (накопитель) ёки компост ҳожатхона афзалроқ: чиқинди ё жойида қуруқ ҳолда қайта ишланади, ёки машиналар билан ташиб кетилади, ерга ёки сувга чиқмайди.

b) Ер остки сувлари сатҳи: Участкада ер остки сувлар яқин келадиган бўлса (масалан, қудук қазилса 1–2 м даёқ сув чиқса), оддий чиқинди чуқурларини умуман қўллаб бўлмайди. Чунки чуқур туби билан ер остки сув қатлами орасида камида 1,5–2 метр қуруқ тупроқ бўлиши шарт – шундагина чиқиндилар тупроқда бироз механик ва биологик тозаланиб, кейин сув қатламига етиб боради.

УГВ юқори ҳудудларда чиқинди суюқлиги деярли филтрланмай, тўғридан-тўғри ер ости сувига қўшилиб кетади, бу эса сув ҳавзаларини булғайди. Шу сабаб, агар сув сатҳи баланд бўлса, фақат герметик тизимлар қўлланилиши мумкин: ёки ёпик накопитель идиш, ёки септик + фильтрация майдонини ер сатҳидан баланд қилиб (масалан, маҳсус кўтарилиган қудуқ ёки тош-қум тўшмалари билан) ўрнатиш талаб этилади. Компост ҳожатхона ҳам яхши вариант, чунки у чиқиндиларни тупроқга умуман ўтказмайди. Албатта, бу ҳолатда ҳам чиқиндиларни кейин қаергадир жойлаштириш керак бўлади, лекин муаммо шундаки, ер ости суви юқори ҳудудларда ҳар қандай чиқиндини ерга кўмиш муаммоли ҳисобланади.

с) Қурилиш зичлиги ва ер майдони: Аҳоли зич жойлашган қишлоқча ёки маҳаллаларда ҳар бир хонадоннинг алоҳида катта санитария иншооти учун жой етмаслиги мумкин. Агар ҳовлилар кичик бўлиб, 5–10 метрлик санитар масофаларни сақлаб бўлмаса, у ҳолда умумий (қўшма) ечимлар бўлиши керак.

Масалан, бир нечта уйга биргаликда бир септик ўрнатиш ва унинг хизматини ташкил этиш, ёки марказий оқова тармоғи тортиб келинмагунча бирорта умумий ҳожатхона қуриб бериш мумкин. Лекин амалиётда, кўпинча, зич маҳаллаларда бирдан-бир ечим сифатида герметик чиқинди идишлари (накопитель) қолади – чунки улар майдон талаб этмайди, чиқиндилар эса ташиб кетилади. Унинг ҳам оғир томони бор: тор кўчаларга ассенизатор машиналари киролмаслиги мумкин.

Бундай ҳолларда ихчам насосли арбалар ёки қўлда тозалаш бригадалари керак бўлади, лекин бу ҳозирча Ўзбекистонда кам учрайдиган услугуб. Шунинг учун зич жойларда, агар ҳожатхона чуқурлари қўлланилса, уларнинг вентиляциясини яхшилаш ва ҳар бир 2–3 ҳовлига биттадан санитариячи белгилаб, мунтазам тозалатиб бориш жуда муҳим.

д) Иқлим ва мавсумий шароитлар: Мамлакатимизнинг кўп қисмида иқлим илиқ ва қуруқ, шунинг учун чиқиндиларни ер остида чиритиш жараёни нисбатан тез кечади.

Лекин тоғли ва қишлоқ ҳудудларида ер мұзлаш чүқурлиги 0,5–0,8 метрга етиши мүмкін. Бундай ерларда септик ва құвурларни шу чүқурликдан пастга күмиб қуриш зарур, акс ҳолда қишлоқ ойларида улардаги суюқлик мұзлаб, тизим ишдан тұхтайди.

Компост ҳожатхоналар (18-расм)үчүн эса совук ҳаво қийинчилик туғдиради – уларнинг камераларини қища албатта ёпиб қўйиш ёки бирор иссиқ жойга кўчириш лозим бўлади. Чўл ва сув танқис минтақаларда, аксинча, сув ишлатишга ҳожат қолдирмайдиган ва чиқиндиларни ўғитга айлантирадиган компост ёки биогаз тизимлари энг тўғри ечим бўлиши мүмкін. Масалан, Қорақалпоғистоннинг олис қишлоқларида бундай қуруқ ҳожатхоналар аҳоли учун ҳам иқтисодий, ҳам экологик томондан фойдали. Аммо у ердаги юқори ёзги ҳароратларда вентиляцияга эътибор бериш керак – ҳаво иссиқ бўлса ҳам, ҳаво айланиши сусайса ҳид чиқиши мүмкін.

e) Maxsus ҳолатлар ва мисоллар: Агар ҳовли сув манбасига яқин бўлса (масалан, ариқ ёки дарё бўйида) ва чиқиндилар сувга тушиб кетиши эҳтимоли бор бўлса, фақат герметик тизимдан фойдаланиш керак.

Агар бирор ҳудудда кучли эпидемия ҳолати кузатилаётган бўлса, ҳатто яхши қурилган чиқинди чүқурларини ҳам вақтинча ёпиб, фақат ёпиқ идишларда чиқиндиларни йиғиб, марказий иншоотларга ташиш тавсия этилади – бу касаллик тарқалишининг олдини олади.

Аҳоли фақат мавсумий яшайдиган ҳудудларда (масалан, ёзги лагерлар, дам олиш зоналари) мобиЛЬ ёки ташиб юриладиган ҳожатхоналар (кимёвий биотуалетлар)дан фойдаланиш ҳам имкониятлардан бири. Лекин уларнинг ичидаги моддаларни вақтида алмаштириш ва утилизация қилишни ташкил этиш керак.

Юқоридагилардан кўринадики, ҳар бир маҳаллий санитария тизими ўзига яраша шартларни талаб этади ва фақат мақбул шароитда самарали хизмат қиласи. Мутасадди муҳандислар ва маҳаллий аҳоли мазкур методик қўлланмадан фойдаланган ҳолда ўз шароити учун энг мақбул тозалаш ечими қайси эканини танлай олади.

Энг муҳими, қандай тизим қўлланилмасин, үнинг тўғри лойиҳаланиши, аҳолига тушунтирилиши ва мунтазам эксплуатация қилинишига эришиш зарур. Шу тариқа, Ўзбекистоннинг оқова тизимлари бўлмаган ҳудудларида ҳам санитария ҳолатини яхшилаш ва аҳолининг ҳаёт сифати ҳамда соғлиғини муҳофаза қилиш мумкин бўлади.